



Аллоҳ кимни яхши кўради?

Тиник ойна

Бир куни Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига Абу Жаҳл келиб:

– Бани Ҳошим уруғидаги ҳеч бир одам кўзимга сендан хунукроқ кўринмайди, – деди.

Расули акрам алайҳиссалом:

– *Тўғри айтдинг*, – дедилар.

Шу пайт ҳазрат Абу Бакр розийаллоҳу анҳу келиб қолди ва:

– Ё Расулуллоҳ, юзингиз куёшдек ёрқин. Бу оламда сизнинг юзингиздан гўзалроқ юзни кўрмадим, – деди.

Сарвари коинот унга ҳам:

– *Тўғри айтдинг*, – деб жавоб қайтардилар.

Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу бир хил жавобнинг ҳикмати сўрашди. Шунда у зот:

– *Мен Аллоҳ жилолаган бир ойнаман, менга қараган киши ўзини кўради*, – деб жавоб бердилар.

Қалб ва гўзаллик

Ривоят қилишларича, бир подшоҳ Лайлининг унчалик ҳам гўзал эмаслигини кўриб, Қайс унинг нимасига бу қадар шайдо (Мажнун) бўлганига ҳайрон қолганида, вазири: “Шоҳим, сиз Лайлига Қайснинг кўзи билан қарай олмагансиз.

Йўқса, бундай демаган бўлардингиз”, деб насиҳат қилади. Демак, гўзалликни кўра билиш учун кишининг қалби салим ва пок бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, ўзининг гуноҳлардан қорайган қалбини кўради, холос.

Нима билан машғулсиз?

Аллоҳ таоло қайси бандасини яхши кўришини қандай билса бўлади?

Баъзилар Аллоҳ таоло бандани суйишини унга берилган бойлик билан ўлчайди. Баъзилар эса Аллоҳ фақирларни яхши кўради, шу боис уларнинг ҳисобини осон қилиш учун кам мол-мулк берган, дейишади.

Уламолар айтадилар: “Нима билан машғул қилиб қўйилгансиз? Шунга қараб Аллоҳ сизни яхши кўради, йўқми – билиб олаверасиз. Агар жамиятга фойдасиз ишлар билан овуниб юрган бўлсангиз, демак, Аллоҳдан узоқлашибсиз. Аксинча, хайрли, савобли, икки оламда сиз ва бошқаларга фойдаси тегадиган ишларни қилиб юрган бўлсангиз, унда билингки, Аллоҳ сизни суюкли бандалари қаторига қўшибди.

Навбаҳор тумани “Арабхона катта”
жоме масжиди имом ноиби
Ҳазрат ИСМОИЛ тайёрлади.

Нажот — намозда

Кўпчилигимиз ёмон одатлардан қутулиш учун турли чоралар ахтарамиз. Иллатлардан халос бўлиш учун ҳар хил усулларни қўллаймиз. Лекин буларнинг уддасидан, ҳарчанд уринсак-да, чиқа олмай оворамиз.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **“Албатта, намоз фаҳш ва ёмон ишлардан қайтарур”** (Анкабут сураси, 45-оят).

Барча шартларига риоя қилиб, ҳушу ва ҳузу билан ўқилган намоз намозхонни фаҳш ва ёмон ишлардан қайтаради.

Ишхонада бирор айб иш қилиб қўйсак, раҳбарнинг юзига қарашга уяламиз. Оилада фарзанд қилган ножўя иши туфайли ота-онасидан ҳайиқади. Худди шундай биз бирор айб иш қилсак, ҳар куни беш маҳал ҳузурида турадиган Раббимиздан ҳаё қиламиз. Шу боис намозлар орасида, умуман, ҳар доим фаҳш ва ёмон ишлардан узоқ бўлишга интиламиз.

Имом Абу Олия айтади: «Албатта, намознинг уч дўсти бор. Қайси намозда ушбу уч дўст топилмас экан, унинг маъноси қолмайди. Улар: ихлос, хавф ва Аллоҳнинг зикридир. Ихлос яхшиликка буюради, хавф ёмонликдан қайтаради ва Аллоҳнинг зикри Қуръонга буюради» («Тафсири ибн Абу Ҳотим»).

Қуёш билан мусобақалашгандек, тонг отмасдан уйғониб, покланиб, Аллоҳга ибодат қилиш, зикр ва тасбеҳлар айтиш, илтижолар қилиш қанчалик завқли-мароқли... **БОМДОД** вақтининг ифорини туйишнинг гашти бўлакча... Бундай ибодат ёлғончи ва ўткинчи дунёга қарши кийилган мустаҳкам зирхдир.

Куннинг серташвиш онларида, яъни **ПЕШИН** вақтида тирикчиликни бироз четга суриб, Набий алайҳиссалом **“Кўзимнинг нури”** (Имом Насоий ривояти) ва **“Диннинг устуни”** (Имом

Дайлабий ривояти), дея таърифлаган намоз сари чоғланамиз. Ибодатни адо этгач, ич-ичимиздан руҳий енгиллик туямиз.

Дунё ҳаётининг бир кунлик йўлида **АСР** намози тайин этилган “бека”ида тўхтаб, яна бироз тин оламиз-да, ожиз банда эканлигимизни, **“Дунёда гўё ғариб ва йўловчи каби бўлишимиз”** (Имом Бухорий ривояти)ни эсга олиб, Ҳақ таолодан абадий саодатни умид қилиб, муножот айлаймиз.

Қош қорайгач, яна ихлос билан қиблага юзланамиз. Қуёш ботиши билан кундузимиз ҳам поёнига етиши, вақти-соати келиб, умримиз ҳам ниҳояланишини эслаб, **ШОМ** намозига киришамиз.

Кундузи билан бирга дунё ҳам тун бағрига ғарқ бўлган онларда, ўлимнинг рамзи бўлган уйқуга ётишдан олдин яна бир бор жойнамоз устида туриб, **ХУФТОН** намозини адо этамиз. Хуфтонни ўқиб бўлгач, кунлик ҳисобот топширгандек кун давомида билиб-билмай қилган гуноҳларимиз учун истиғфор айтиб, чарчоқларни унутиб, меҳрибон ва раҳмли Раббимизнинг раҳмат уммонига чўмган ҳолда шукроналар айтамыз.

Бир кунда барчаси жамланса, бир соатдан ошмайдиган, инсонга ҳузур-ҳаловат, хотиржамлик, ором ва оройиш берадиган энг мукаммал чора бу – **НАМОЗ**.

Аллоҳ таоло: **“Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур** (ва таскин топура)» (Раъд сураси, 28-оят), деб марҳамат қилган.

Намоз ўқиган одам руҳан тетик бўлади, руҳан тетик бўлган одам ҳар қандай ташвишу муаммони ҳеч қийинчиликсиз енгиб ўта олади.

Нобель мукофоти лауреати, инглиз ёзувчиси Бернард Шоу: “Мусулмонларнинг намози 2000 йилларга келиб дунёдаги энг машҳур профессор-шифокорларнинг рецептидан жой олади...” деган эди.

Ҳа, ихлос билан ўқилган намоз нафақат инсоннинг охирати учун, балки соғлиги, руҳияти учун ҳам кони фойдадир.

Толибжон НИЗОМ
тайёрлади.

Мундарижа



Насиҳат

Аллоҳ кимни яхши кўради? 1

Убудият

Нажот – намозда 2

Тафсир

Иймон билан эргашишларга хушхабар 4

Мазҳабсизлик – хатарли бидъат

Имоми Аъзам – улуғ муҳаддис 6

Тадқиқот

Ким чиройлироқ бўлган? 8

Қуръон мўъжизалари

Коинот чексизми? 9

Ҳадис шарҳи

Ризқнинг сабабларидан бири 10

Яхшилар ёди

Саид Ҳошимхон ибн Саид Ғозихон 11

Саҳобалар ҳаёти

Мусҳафни жамлаган зотлардан бири 12

Масала

Сўраган эдингиз... 14

Қуръон қиссалари

Митти чивин билан ҳалок қилинди 16

Мозийдан сабоқ

Ҳақ эгасига қайтарилади 17

Дунёдан дараклар

Ислом ва олам 18

Маънавий мерос

Шайх Хованд Тоҳур асарларида ижтимоий масалалар 20

Тафаккур

Мўъжизалар гулдastasи 21

Маънавиятимиз меъморлари

Тарбия ҳақидаги улуғ китоб 22

Қуръонни ўрганамиз

Қироат услубларининг фарқли жиҳатлари 24

Улуғларимиз

Дунё тан олган мутафаккир 25

Шеърият

Ўзингдан бир сифат устун билан юр... 26

Саодат асрига саёҳат

Бадр ғазоти 28

Bolajonlar sahifasi

Qarg'aning nasibasi 31

Минтақа

Фижилик мусулмонлар 32



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُمْ بِإِيمَانٍ أَلْحَقْنَا بِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَمَا أَلَتْنَاهُمْ مِنْ
عَمَلِهِمْ مِنْ شَيْءٍ كُلُّ امْرِئٍ بِمَا كَسَبَ رَهِيْنٌ ﴿٢١﴾

«Ўзлари иймон келтириб, зурриётлари ҳам уларга иймон билан эргашган зотларга (ўша) зурриётларини ҳам қўшамиз. Уларга қилган амалларидан бирор нарсани камайтирмаймиз. Ҳар бир кимса ўзи қилган иши билан гаровлангандир» (Тур сураси, 21-оят).

Иймон билан эргашганларга хушхабар

Ушбу ояти карима тафсири ҳақида буюк муфасссир Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоху анҳумодан тўртта ривоят келтирилган.

Биринчи ривоят. “Албатта, Аллоҳ таоло мўмин бандасининг кўзи қувнаши учун унинг зурриётини ўзи билан бирга жаннатдаги даражасини кўтаради, гарчи зурриётининг амали у даражага етмаса ҳам” (“Тафсири Ибн Касир”).

Иккинчи ривоят. “Албатта, Аллоҳ таоло мўмин кишига иймон даражасига етмаган ёш зурриётини қўшиб қўяди” (“Тафсири Қуртубий”).

Вояга етмай вафот этган болалар ўзларидан аввал ўтган аجدодлари ора-

сидан ким жаннатга тушган бўлса, уни ана шуларнинг ёнига жойлаб қўяди, гарчи савоби бўлмаса ҳам. Бу Аллоҳнинг марҳаматидир.

Учинчи ривоят. Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоху анҳумо айтади: «Ояти каримадаги “иймон келтирганлар”дан мурод муҳожир ва ансорлардир. “Зурриёт”дан мурод тобеинлардир».

Албатта, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан Мадинага ҳижрат қилганлар ва Аллоҳ розилиги учун муҳожирларга молу жонлари билан ёрдам қилганлар иймонда пешқадам зотлардир. Кейинги авлод – тобеинлар эса Исломнинг кенг ёйилишида саҳобаларга эргашганлар.

Тўртинчи ривоят. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «**Жаннат аҳли жаннатга кирса, улардан бири ота-онаси, аёли ва фарзандлари ҳақида сўрайди. Унга жавоб берилади: “Уларнинг даражаси сен етган даражага етмади”. Шунда у айтади: “Эй Раббим, мен ўзим учун ҳам, улар учун ҳам амал қилганман-ку?” Шунда**



Аллоҳ таоло буюради: “Уларни бу солиҳ бандага қўшиб қўйинглар”» (“Тафсири Қуртубий”).

Дарҳақиқат, ота-оналар, оила бошлиқлари фарзандларига гўзал таълим-тарбия, одоб-ахлоқ берсаларгина, фарзандлар Аллоҳ таолонинг фазлига эришадилар. Шунингдек, фарзандлар ҳам вафот этиб кетган ота-оналарининг ҳақларига хайрли дуолар қилсалар, солиҳ амалларни мунтазам равишда қилиб борсалар, марҳумлар Раббимизнинг иноятига лойиқ бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар: **«Албатта, Аллоҳ таоло жаннатда солиҳ банданинг даражасини кўтаради. У: “Эй Раббим, менга берилган бу лутф нимадан?” деб сўрайди. Шунда унга: “Фарзандларинг сенинг ҳаққингга қилаётган хайрли дуолари, истиғфорлари натижасидир”, дейилади»** (“Тафсири Қуртубий”).

Олтинхон Тўра Тарозий тафсирида бундай дейилган: “Иймон келтирган бандаларнинг мўмин зурриётлари ота-оналарининг йўлидан юришса, улар охирига етказа олмаган ишларни поёнига етказишса, гарчи ўзларининг амаллари ва аҳволлари ота-оналарининг даражасига етмаган бўлса-да, улар ҳам Аллоҳ таолонинг фазлу карами билан пешволарга қўшилади. Пешволарнинг савоби олиниб, уларга берилмайди. Бу Аллоҳ таолонинг икромидир”.

Мазкур оятда ота-оналар иймоннинг барча шартларини бажариб, эътиқодда мустаҳкам ҳолда авлодларини ортларидан эргаштирсалар, охиратда неъматлар мукамал бўлиши учун улар билан бирга зурриётлари ҳам жаннатга киритилиши баён этилди.

Бола улғаяр экан, ҳамма нарсани атрофидаги катталардан, хусусан, оила бошлиқларидан ўрганади. Ёши улуғлардан ибрат олади, уларга тақлид қилиб, ҳаёт тажрибаларини ўзлаштиради. Ота-она қўпол ва ёмон хулқли бўлса, бола ҳам шундай вояга етади. Ота-она ҳаромдан парҳез

қилса, хайрли ишларнинг бошини тутса, фарзанд ҳам олийжаноб инсон бўлиб камолга етади.

“Ҳар бир киши қилган амали билан гаровланган” ояти маъноси ҳақида Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо: “Дўзах аҳли ўзларининг гуноҳ амалларига боғланиб қолади. Жаннат аҳли эса ўзларининг неъматларига етиб борадилар”, деган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Муддассир сурасининг 38–40-оятларида марҳамат қилган:

“Ҳар бир жон ўзи (дунёда) қилган (яхши ва ёмон) амали билан гаровлидир. Фақат ўнг томон эгаларигина жаннатларда бир-бирлари билан савол-жавоб қилурлар”.

Мазкур оят мазмунидан шу нарсга аён бўладики, агар фарзандлар иймон ва Исломда аждодларига эргашсалар, барчалари жаннат неъматларидан биргаликда баҳраманд бўладилар.

Ота-онанинг вазифаси фақат фарзандни дунёга келтиришдан иборат эмас. Улар жигарпораларини ақлли, эсли-хушли, жисмонан соғлом, диёнатли, эътиқодли, жамият ва миллатга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида қайғуришлари керак (“Тафсири Ҳилол”).

* * *

Қоронғи тунда ота ва бола сафарга чиқди. Меҳрибон ота боласининг нотўғри қадам босиб тойилиши, йиқилиб шикаст етишидан кўрқиб олдинда борар эди. Ота бот-бот: “Болам, эҳтиёт бўлгин! Сув, лойни босмагин, қоқилиб кетмагин, чуқурга қадам қўймагин!” дер эди. Бола: “Отажон, хавотир олманг, сиз қаерга қадам қўяётган бўлсангиз, ўша жойдан, изингиздан юрман. Агар сиз қоқилмасангиз, мен ҳам қоқилмайман”, дер эди.

Хулоса шу: Оталар тўғри йўлни танласалар, фарзандлар ҳам уларга эргашадилар.

Тафсир китоблари асосида
“Убай ибн Каъб” жоме
масжиди имом-хатиби
Наврўзжон ТЕМИРОВ
тайёрлади.

Имоми Аъзам –



Бузғунчи тоифалар, жумладан, сохта салафийлар Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни кам ҳадис билган, дея айблаб, у кишига таъна ва маломат тошларини отадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 124 та ҳадис ривоят қилган буюк саҳоба Абу Бакр розийаллоҳу анҳуни энг кўп ҳадис ривоят қилган (5374 та) Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳуга нисбатан кам ҳадис билган дея оламизми?

“Ал-ҳадис вал муҳаддисун” китобида Муҳаммад Маҳмуд Хоразмий айтади: «Шомда Имоми Аъзамнинг мақомларини билмаган жоҳилларнинг у зотга нисбатан “оз ҳадис билади”, деган сўзларини эшитдим. Бу гап менинг ҳамиятимни қўзғади. Имоми Аъзам ривоят қилган ҳадисларни уламолар ўн беш муснадга жамлашган».

Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ҳадис илмида ўз замонасида пешқадам бўлиб: «Модомики одамлар орасида ҳадис талабида юрганлар бор экан, улар яхшиликда бардавом бўладилар. Агар илми ҳадиссиз талаб қилгудек бўлсалар, барбод бўладилар», «Аллоҳнинг динида ўз раъйингиз билан асло бир сўз айта кўрманг. Суннатга эргашинг, чунки ким суннатдан чет-

га чиқса, адашади», деган¹. Демак, суннатни муҳофаза қилиш залолатдан сақланиш учун лозим бўлган қоидадир.

Ровий ёдлаган ҳадисини одамларга етказиши ва собит бўлиши учун Имом Абу Ҳанифа қўйган муҳим шарт: «Ровий ўз ҳадисини шайхидан таҳаммул қилган вақтидан то уни адо этгунича, орада ҳеч қандай унутишсиз сақлаб қолиши лозим»². Бунинг учун мустаҳкам хотира талаб этилади.

Имоми Аъзам раҳимахуллоҳнинг яна бир шарти бор. Бу шартнинг аҳамиятли эканини унга амал қилган кишигина билади. У ҳам бўлса: «Ҳадиснинг маъноси билан ровий лафзлар устида қилаётган тасарруфининг натижаси қандайлигини билиши учун у фақиҳ бўлиши лозим»³ деган шартдир. Албатта, ҳадис илмида фақиҳ бўлиш илмий омонатдорлик шартидир.

Абдулғаффор Уюнус Суд Ҳимсий Ҳанафий раҳимахуллоҳ бундай деган: «Ҳозирги кунда илмга берилган ва ғурурга кетган кўпгина “олим”чалар ўзларини Сурайё юлдузига чиқдим деб ўйлашапти. Аслида улар чуқур жарликка қулашади. Олти саҳиҳ ҳадис китобидан бирини мутолаа қилади-да, Абу Ҳанифанинг мазҳабига хилоф бир ҳадисни кўрган ондаёқ: “Абу Ҳанифа мазҳабини

деворга уриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини олинг!” дейди. Лекин у ҳадис мансук бўлгани ёки ундан кўра санади кучлироқ ҳадис борлиги боис унга амал қилмасликни лозим қиладиган далиллар борлигини билмайди. Ҳадисга амал қилиш шундай нодонларга топширилса, илмга хиёнат содир бўлиб, ўзлари ҳам адашади, бошқаларни ҳам адаштиради». Албатта, шошқалоқлик ҳар бир ишда ноқисликни келтириб чиқарганидек, илмда ҳам



улуғ муҳаддис

гуноҳи кабира даражасида тойилиш ҳосил қилади.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Ваҳб Мисрий бундай деган: “Ҳадис уламолардан бошқаларни адаштиради!” Зеро, ҳамма ҳам ҳадис илмида фақиҳ бўла олмайди ва ҳадисдан ҳукм чиқариш фақиҳларга юкланади. Муҳаддис фақиҳ бўлиши, қувватли ва ишончли фақиҳ эса албатта закий ва омонатдор муҳаддис бўлиши лозим.

Яҳё ибн Наср айтади: «Абу Ҳанифанинг ҳузурига кирдим. Уй тўла китоб эди. Унга: “Булар нима?” дедим. У: “Буларнинг барчаси ҳадислар. Буларнинг фақат фойда олинадиганини ривоят қилдим, холос”, деди». Зеро, инжулар учун фойда берадиган жой ва замон топиш моҳир “заргар”га хосдир.

Аллома Али Қори “Маноқиб”ида Муҳаммад ибн Самоъадан қуйидагини нақл қилади: «Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ етмиш мингдан ортиқ ҳадис зикр қилган. “Ал-Осор”ни қирқ минг ҳадисдан танлаб олган».

Абдуллоҳ ибн Фаррух фикҳда ироқликларнинг услубидан таъсирланган, Имом Абу Ҳанифадан ўн мингга яқин масала ёзиб олган. Абдуллоҳ ибн Фаррух айтади: «Абу Ҳанифанинг ҳузурида эдим. Уйининг юқорисидан бир ғишт тушиш оқибатида бошим ёрилди. Шунда у: “Танла, агар хоҳласанг, жароҳатингнинг товонини тўлайман, хоҳласанг, уч юзта ҳадис айтиб бераман”, деди. “Менга ҳадис яхши, уч юзта ҳадисни айтиб бера қолинг”, дедим». Ҳадис илмига бўлган муҳаббат ҳар қандай жароҳатни, хусусан, маънавий жароҳатни даволайди.

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳнинг: “Ким тўрт юз минг ҳадис ёд олса, ижтиҳод ва фатвога салоҳиятли бўлиши мумкин”, деган гапи Ибн Маъиннинг бу борада “беш юз минг ҳадис”, деганидан кейинроқ келади.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг замондошлари ва кейинги уламолар у зотнинг фақиҳ ва мужтаҳид эканини эътироф этган. Ҳатто: “Одамларнинг барчаси фикҳ борасида Абу Ҳанифанинг илмига тобедир”, ҳам дейилган. Бунинг маъноси шу: “Абу Ҳанифа

мужтаҳидга лойиқ равишда ўша ададдаги ҳадисларни, балки ундан ҳам кўпини жамлаган!”⁴

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ тобеинлар ва табаа тобеинлар даврида яшаган. Ўша даврда Китоб, суннат ва салафи солиҳларнинг сўзларини яхши билган одам ҳақиқий олим ҳисобланган. Бу жараён табиий воқелиklar натижаси эди.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг фикҳий фатволари, таълиф қилган китоблари у зотнинг ҳадис илмида ҳофиз бўлганларига далолат қилади⁵. Ақл ва инсоф эгалари шундай хулоса қилганлар.

Имом Абу Юсуф айтади: “Қачон бир масалада Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга ҳилоф қилсам, ана шу масала борасида изланиб кўрардим ва устозимнинг ўша масалада айтган фатволари охиратда нажот берувчи экани маълум бўлди. Гоҳида мен бир ҳадисни саҳиҳ деб унга мойил бўлардим. Кейин билсам, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ўша ҳадиснинг саҳиҳлигини мендан кўра яхшироқ билар экан”⁶.

Ҳадисни билиб туриб, унинг фикҳини тунунмаслик муҳаддисларни ноқулай аҳволга солиб қўяди.

Хатиб Бағдодий Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан: “Агар фақиҳлар Аллоҳнинг валийлари бўлмаса, демак, Аллоҳнинг валийси йўқ экан”, деган сўзни ривоят қилган.

Мужтаҳид аллома Имоми Аъзам раҳимаҳуллоҳ мураккаб синовлардан, мунозараю баҳслардан шараф билан ўтиб, буюк имом номига сазовор бўлди.

Насиба АТАБАЕВА,
ЎзХИА магистранти

¹ Шайх Муҳаммад Аввома. Ҳадиси шарифнинг ўрни. 23-бет.

² Ўша асар, 31-бет.

³ Ўша асар, 40-бет

⁴ Ўша асар, 161-бет.

⁵ Имоми Аъзам. Ғоя муаллифи: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. 153–155-бетлар.

⁶ Ўша асар, 172-бет.

Ким чиройлироқ бўлган?

Юсуф алайҳиссаломнинг жуда чиройли инсон бўлганлари тарихдан маълум. Айрим сийрат олимлари Юсуф алайҳиссаломдан кўра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўзал бўлганлар, дейишади.



Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Меърож кечаси учинчи осмонга чиққанларида, Юсуф алайҳиссаломни кўриб, у зотни бундай сифатлаганлар: **“Унга чиройнинг ярми берилган экан”** (Имом Муслим ривояти). Баъзи олимлар мана шу ҳадиснинг зоҳирига асосланиб: “Юсуф алайҳиссалом ҳаммадан чиройли бўлган”, дейишади. Лекин бошқа муҳаққиқлар: “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бутун инсониятнинг мутлақ энг чиройлиси бўлганлар”, дейишади.

Далиллари қуйидагича.

Абу Хурайра, Анас ибн Молик, Баро ибн Озиб, Ойша розийаллоҳу анҳум каби саҳобалар Расули акрам алайҳиссаломни сифатлаб, бундай дейишган:

“Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг энг гўзали, энг олийжаноби ва энг шижоатлиси бўлганлар” (Имом Бухорий, Имом Муслим, Ибн Мож, Байҳақий ва Абу Нуайм Асбаҳоний ривояти).

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу айтади: “Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарни гўзал юзли, овозини ёқимли қилиб юборган. Пайғамбаримиз эса энг гўзал юзlisi ва энг хуш овозlisi бўлганлар” (Имом Термизий, Дорақутний, Ибн Адий, Ибн Мардавайҳ, Хароитий, Абу Саид Аъробий ва Абу Бакр Шофеъий ривояти).

Жобир ибн Самура розийаллоҳу анҳу айтади: “Мен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни ойдин кечада кўрдим. Устларида қизғиш ҳулла (усти ҳам, пасти ҳам бир хил матодан тикилган янги кийим) бор эди. Сўнг (Пайғамбаримиз чиройлироқми ёки ойми, деб) бир у зотга, бир ойга қарай бошладим. Шунда у зот кўзларимга ойдан ҳам чиройлироқ кўриндилар” (Имом Термизий ва Имом Байҳақий ривояти).

Ризвон байъати ва кўп ғазотларда иштирок этган Рубаййиъ бинти Муаввиз Ансория розийаллоҳу анҳодан: “Бизга Пайғамбаримизни сифатлаб беринг”, деб сўрашди.

У: «Агар сиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганингизда, “Порлоқ куёшни кўрдим”, дер эдингиз», деб жавоб берди (Имом Доримий, Табароний, Байҳақий ва Абу Нуайм Асбаҳоний ривояти).

Бу муҳаққиқ уламолар Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги ҳадис билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларидаги мазкур асарларни жамлаб, керакли хулоса қилишган. Масалан, Ибн Ҳажар Асқалоний “Саҳиҳи Бухорий”га ёзган машҳур шарҳи “Фатҳул Борий”да (7/210) бундай дейди:

«Юсуф алайҳиссаломга чиройнинг ярми берилган», деган ҳадиснинг зоҳиридан “Юсуф алайҳиссалом барча инсонлардан чиройлироқ экан”, деган маъно чиқади. Лекин Имом Термизий ривоят қилган Анас розийаллоҳу анҳунинг: “Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарни гўзал юзли, гўзал овозли қилиб юборган. Пайғамбарингиз эса энг гўзал юзlisi ва энг хуш овозlisi бўлганлар”, деган гапига кўра, Юсуф алайҳиссалом чиройи ҳақидаги ҳадисда келган сўз Набий алайҳиссаломга тегишли эмас. Қолаверса, бу фикрни олимларнинг: “Гапираётган киши ўз хитобининг доирасига кирмайди”, деган қоидаси ҳам қўллаб-қувватлайди.

Энди, мазкур бобдаги ҳадисга келсак, Аллома Ибн Мунаййир Сакандарий уни қуйидагича тушунтирган: “Бу ҳадисдан мурод Юсуф алайҳиссаломга

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга берилган ҳусннинг ярми ато этилгани ирода қилинган”.

Ибн Қаййим ал-Жавзия “Бадоиъул фавоид” китобида (3/206) келтиради: “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Юсуф алайҳиссаломга чиройнинг ярми берилган”**, деган ҳадислари ҳақида бир гуруҳ олимлар айтишади: “Бундан мурод Юсуф алайҳиссаломга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга берилган ҳусннинг ярми берилган. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳусннинг охириги даражасига етганлар, Юсуф алайҳиссалом эса ўша марранинг ярмига етган, холос”.

Шу ўринда савол туғилади. Юсуф алайҳиссаломни кўрган бир гуруҳ аёллар маҳлиё бўлганларидан ўз қўлларини кесиб қўйишганини билмай қолишгани маълум ва машҳур. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Юсуф алайҳиссаломдан икки ҳисса чиройли бўлсалар, нима учун у зот билан шунга ўхшаш ҳолат содир бўлмаган?

Мулла Али Қори “Мирқотул мафотих”да (17/94) бундай дейди: «Баъзи мутааххир ҳофиз уламолар: “Аслида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Юсуф алайҳиссаломдан ҳам чиройлироқ бўлганлар. Лекин Аллоҳ таоло Пайғамбаримиздаги порлоқ ҳусннинг кўп қисмини яширган. Борди-ю, ўша асл ҳусн борица саҳобаларга намоеън бўлганида, улар у зотга қарай олишмас эди. Баъзи муҳаққиқ уламолар шундай дейишган. Юсуф алайҳиссаломнинг чиройи эса тўсилмаган эди”.

Хуллас, уламоларнинг таҳқиқларига кўра, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг энг чиройлиси бўлганлар.

Абдулазим ЗИЁВУДДИН,
Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти катта
ўқитувчиси

Коинот чексизми?

Коинотнинг чексиз экани ҳақида Зориёт сурасининг 47-оятида марҳамат қилинади:

وَالسَّمَاءَ بَنَيْنَاهَا بِأَيْدٍ وَإِنَّا لَمُوسِعُونَ

“Осмонни Ўз қудратимиз ила барпо этдик. Албатта, Биз кенг қилувчимиз”.

Араб тили қоидасига кўра, феълий жумлалар ўзгарувчан, исм жумлалари эса турғунлик ва мунтазамликни ифода этади. Оятдаги «وَأِنَّا لَمُوسِعُونَ» исм жумласидир. Яъни “олдин кенгайтирдик”, “ҳозир кенгайтиряпмиз”, “келажакда яна кенгайтираимиз” каби феълий жумлалар эмас, балки “давомли ва тўхтовсиз кенгайтираимиз”, деганидир.

Коинотнинг ҳақиқий ўлчамини тасаввуримизга ҳам сиғдира олмаймиз. Агар биз Ердан самолёт ёки ракетада узоқлаша бошласак, коинотнинг нақадар бепоён эканини кўришимиз мумкин.

Биз Сомон йўли деб атайдиган ва кечалари кузатадиган галактикадаги юлдузларнинг барчаси “куёшлар”дир. Уларнинг орасидаги масофа километрлар билан эмас, балки ёруғлик йиллари билан ўлчанади. Ёруғлик бир йил давомида 9.500.000.000.000 (9,5 триллион) км масофани босиб ўтади.

Ерга энг яқин юлдуз билан сайёрамиз ўртасидаги масофа 2 миллион, узоқлари эса триллионлаб ёруғлик йилига тенг.

Ер юзига энг яқин масофада жойлашган бир нечта галактикадан ташқари, барча галактикалар ўзига хос тезлик билан бир-бирларидан узоқлашаётганини 1922 йилда, яъни бир аср олдин астрономия олими Хабль аниқлаган эди. Бундан маълум бўладики, коинот мунтазам равишда кенгаймоқда. Белгиялик математик олим Лемейтр ҳам коинотнинг “expansion”, яъни мунтазам кенгаётганини маълум қилган.

Биз XX асрда билган “Макон кенгайиши” қонуни бундан 14 аср олдинроқ туширилган Қуръони каримда зикр қилинган эди.

НУРМУҲАММАД тайёрлади.

Ризқнинг сабабларидан бири



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ



قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : سَافِرُوا ، تَصِحُّوا

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сафар қилинглар – саломат бўласизлар ва ризқланасизлар”**, дедилар» (Имом Аҳмад ва Имом Табароний ривояти).

“Сафар” сўзининг луғавий маъноси, маълум бир масофани босиб ўтиш, демак. Шариат истилоҳида эса белгиланган масофани босиб ўтиш сабабидан шаръий ҳукмларнинг ўзгариши. Масалан, муқимликда тўрт ракат фарз бўлган намозларни сафарда икки ракат ўқиш, Рамазон ойи рўзасини тутмасликка рухсат, маҳсига тортиладиган масх муддатининг узайиши, жума, икки ҳайит намозлари ва қурбонлик қилишнинг мусофир зиммасидан соқит бўлиши каби ҳукмлардир.

Халқимизда бундай нақл бор: “Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан”. Киши сафар машаққатини бошидан ўтказганида, ёрдам ва мурувватга қанчалик муҳтож эканини англаб етади. Шундагина инсоннинг қадр-қиммати баландлигини, имкон қадар муҳтожларга ёрдам кўрсатиш зарурлигини қалбан ҳис қилади.

Бундан ташқари, киши қачон ўз юртидан узоқлашса, ўз Ватанининг қадрини билади. Оиласи, бола-чақасининг ёнида бўлиш қанчалик бахту саодат эканини англайди. Ўзга диёрда юрганида ўз юртидаги каби ҳуқуқлари тўла намоён бўлмагач, Ватанидаги мавжуд эркинликни ҳис қила олмагач, она юртини ва қадрдонларини ўртаниб соғинади.

Манбаларда келтирилишича, сафар қилишда соғлиқ учун кўп манфаатлар бор. Чунки сафар табиатан ҳаракатга боғлиқ



бўлади. Жисмоний ҳаракатнинг ўзи инсоннинг соғлиғи учун нақадар фойдали эканлиги барчага маълум. Доимий ҳаракатланувчи тананинг барча аъзолари мудом тетик бўлади ва ҳаётнинг барча жабҳаларида соҳибининг ижобий ҳолатига сабаб бўлади. Аммо ҳаракатсизлик бир қанча касалликларни келтириб чиқариб, дангасалик ва уйқуга мойилликка мубтало қилади. Зеро, дунё ҳаётининг ҳар жабҳасида пешқадам бўлиш бу дунё ва охират саодатига мушарраф қилувчи нурли йўлдир. Агар инсон ҳаётидаги ҳар он, ҳар лаҳзани ғанимат билса, албатта, бу охиратига ҳам жуда катта фойда беради.

Кишининг ҳар бир ҳолатда қоқ бўлишига энг биринчи сабаб унинг дангасалигидир. Танбаллик дея аталмиш хавфли касалликнинг келиб чиқиши эса аксарият ҳолларда меъёридан ортиқ таомланишдандир. Бу эса кўпгина касалликларнинг асоси ва негизи ҳисобланади.

Шундай экан, сафар қилайлик, соғлом бўламиз ва ризқимиз кўпаяди.

Миродил МИРЖАЛИЛОВ,
Қибрай тумани бош имом-хатиби

Халқимиз орасидан етишиб чиққан буюк уламолар қадимдан илму маърифат чироғини баланд кўтариб, диний ва дунёвий равнақ учун катта хизмат қилишган.

Шундай шахслардан бири Саид Ҳошимхон ибн Саид Ғозихон тўрадир. Бу зот 1912 йили Бухоро амирлиги Самарқанд беклиги Чўянтепа қишлоғида зиёли оилада таваллуд топган. Отаси Ғозихон тўра Қуръон илми билимдони, фикҳ ва тасаввуф илмида ўз даврининг пешқадамларидан бўлган.

Саид Ҳошимхон ибн Саид Ғозихон

Саид Ҳошимхоннинг болалик йиллари алғов-далғов даврларга тўғри келди. Чор ҳукумати халқни маърифатдан маҳрум қилишдек қабих ишларга қўл урган, разил режа асосида халқ орасидаги зиёлиларни қатағон қилишни бошлаган эди. Олиму уламоларни халқ душмани сифатида айблаб, Сибирга сургун қилар, асоссиз қатл этар ва оила аъзоларини “халқ душмани”нинг яқинлари сифатида оммадан ажратиб кўярди.

Бундай қисмат Ғозихон тўранинг ҳам бошига тушди. У ҳукуматга қарши чиқишда айбланиб, ҳибсга олинди. Одамлар ўз пешвосини ҳимоя қилиб қўзғалишидан хавфсираган “қизиллар” Булунғур шаҳри яқинидаги “штаб”да Ғозихон тўрани яширинча қатл этишди. Унинг фарзандларини Фарғонадаги шогирдлари олиб кетди. Шу тариқа отасининг фожиали вафотидан кейин Саид Ҳошимхоннинг ёшлик йиллари водийда ўтди. Бу ерда отасининг шогирдлари кўлида таълим олиб, Қуръони каримни тўлиқ ёдлади. Билим олиш билан бирга, моҳир усталардан темирчилик ва чилангарлик сирларини пухта ўрганиб, моҳир темирчи бўлиб етишди.

Саид Ҳошимхон 1939-40 йилларда ота юрти Самарқандга қайтиб келди. Ўша кезлар моҳир усталарга талаб ниҳоятда катта эди. Шунинг учун ҳатто уруш йилларида ҳам колхозларга усталар жуда керак бўлганидан уни ҳарбий хизматга чақиришмади. Саид Ҳошимхон қишлоқма-қишлоқ кезар, аравами, омочми, бошқа буюмми, борини созлаб, хуфя равишда одамлар орасида илм тарқатарди.

Олим араб ва форс тилларини мукаммал билган. Форсчадан “Солатул Масъудий”, арабчадан “Тафсири Нўъмон” асарларини таржима қилган. Саид Ҳошимхон тасаввуфда Хожа Аҳмад Яссавийга издош



эди. “Авродул фатҳия”, “Дуррул воизин”, “Солатул Масъудий”, “Маслакул муттақийн” каби асарларни ёддан билган, халқ орасида шаръий масалаларни ечиши билан шуҳрат қозонган.

Аллоҳ таоло Саид Ҳошимхон ибн Саид Ғозихоннинг оиласига баракот ёғдирган. Унинг 13 ўғил ва 4 қизи бўлган. Барчасини илм-маърифатли қилиб тарбиялаб вояга етказган. Фарзандлари турли соҳаларда ўз касбининг усталари бўлиб, халқимизга холис хизмат қилишган. Диний-маърифий соҳада фаолият юритганлардан бири Зайнуллохон Ғозиев (Зайнуллохон Ҳошимхон ўғли, 1958–2022) Жиззах вилояти Бахмал тумани “Саид Ҳошимхон” жомеъ масжиди имом-хатиби, яна бири Муҳаммадхон Ғозиев (1963–2018) моҳир хаттот, тасаввуф илми билимдони, шоир, “Асл Ёрга ошиқман”, “Қадр кечасини соғиниб...”, “Киприк куйдирган шабнам” каби шеърий тўпламлар, қатор қасидалар муаллифи. Кейинги фарзанди Довархон Ғозиев (1965 йилда туғилган) ҳам кўп йиллар Самарқанд вилояти “Чўянтепа” масжиди имом-хатиби бўлиб ишлаган. Диний-маърифий соҳа билимдони, моҳир хаттот.

Саид Ҳошимхон ибн Саид Ғозихон 1993 йил 9 май куни фарзанду набиралар ва кўплаб шогирдлари қуршовида 81 ёшида дорул бақога рихлат қилган.

Баёзхон МАҲМУДОВ,

*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходими*

Мусҳафни жамлаган зотлардан бири

Маъриб тўғони бузилгач, Лахм Қахтоний қабиласи Яманнинг обод шаҳарларидан Шомга кўчиб ўтди. Қабиланинг бир жамоаси Рамлага ва Жавлон тепалигига, бошқа бири эса Қуддусга ўрнашди. Бир муддат уни “Лахм уйи” деб номлаб юришди. Сўнгра одамлар уни ўзгартириб “Байтул Лахм” дейдиган бўлишди. Лахмликлар ўзларининг кўшнилари румликлар билан муносабат ўрнатиб, баъзилари масиҳий динини қабул қилишди. Айримлари “Муштарий” (Қуёш туркумидаги юлдузлардан бири)га сиғинишар ва Шом тепаликларига бино қилинган “Қайсар” ибодатхонасини зиёрат қилишарди.

Тамим ибн Авс ибн Хорижа Дорий Лахмий эса масиҳийликни қабул қилган жамоага мансуб кишилардан эди. У ҳатто “Байтул Лахм”нинг роҳибига айланган эди.

* * *

Кунларнинг бирида Тамим Дорийнинг кўшни қишлоққа иши тушди. У жундан тўқилган чакмонини кийиб, белига зуннор боғлади, кумуш хочи осилиб турадиган такинчоғини бўйнига илиб, қалпоғини бошига кўндириб, ўша қишлоқ сари йўлга чикди. Йўлда бир умр ёдда қоладиган воқеага дуч келди.

* * *

Тамим Дорий айтади: «Расулulloҳ пайғамбар қилиб юборилган кезлар эди. Қўшни қишлоққа бораётганимда қоронғи тушиб қолди. Юрагимга ваҳима оралади. Араблар жинлардан паноҳланиш учун айтадиган “калималар”дан бири: “Мен



бу кеча шу водийнинг улуғ ҳимоячиси паноҳидаман”ни баланд овозда айтиб боравердим. Бир жойда тўхтаб ётиб ухламоқчи бўлганимда, бирданига бир киши (мен уни кўрмадим) бундай деди: “Эй одам, сен Аллоҳга юкин ва ундан паноҳ сўра. Чунки жин ҳеч кимга паноҳ беролмайди”. Мен: “Айтганларинг ростми?” дедим. У: “Уммийлар пайғамбари чикди, бизлар унга эргашдик. Жинларнинг ҳийласи тугади. Уларга шухуб – учар юлдузлар отилди. Энди сен ҳам бутун оламлар Раббиси юборган пайғамбарга эргаш”, деди.

Тамим айтади: «Тонг отгач, “Айюб” номли насоролар ибодатхонасига бордим. У ерда жуда кексайиб қолган бир роҳиб яшарди. Нима бўлганини унга айтиб бердим. У гапларимни эшитиб: “Сенга

ғойибдан келган овоз рост айтибди”, деди. “Ўша пайғамбар Макка диёридан чиқади ва у набийларнинг энг яхшисидир. Дарҳол ўша ёққа отлан...” деди».

* * *

Тамим Дорий роҳиблик жуббасини ечиб, Ҳинд исмли оғаси билан Мадина сари йўлга тушди. Ака-ука Мадинага етиб боргач, уловларини масжидга яқин жойга чўктирдилар ва Расулуллоҳни излашга тушдилар. Ака-ука у зотнинг ҳузурларида тавҳид калимасини айтиб, иймон неъматини билан шарафланди.

Ўша ерда Тамим Дорий Набий алайҳиссаломга: “Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизнинг динингизни ғолиб қилади ва байроғингизни ҳамма жойда ҳилпиратади. Мен ортимда оилам ва бошпанамни қолдириб, бу ёққа ўзимни Аллоҳ ва Расулига бағишлаш учун келдим. Эй Аллоҳнинг Расули, агар мусулмонлар Аллоҳнинг нусрати ила Байтул Макдиси ишғол этсалар, менга қишлоғим Жибрийнни ҳадя этинг”, дедим. У зот гапимни эшитиб, қишлоқни ҳадя этдилар. Тамим бунинг учун менга бир хат битиб беринг, деб сўради. Расулуллоҳ алайҳиссалом Тамимга бир мактуб битиб бердилар.

* * *

Ҳижратнинг ўн бешинчи йили мўминлар амири Умар ибн Хаттобга қўмондон Амр ибн Оснинг Байтул Макдиси фатҳ этгани ҳақидаги хушхабар етиб келди. Байтул Макдис аҳолиси мусулмонлар амири Умар ибн Хаттобнинг ўзи келиб биз билан сулҳ тузсин, деб туриб олганини ҳам етказишди. Умар Форук озод этилган Фаластин заминига бориб, ўз қўллари билан Фаластин аҳолиси учун сулҳни имзолади. Лахм яшайдиган Жулон тепаликларида ҳам азон овозлари янграй бошлади.

Лахм ўғлони Тамим Дорий ўрнидан туриб:

– Эй мўминлар амири, Байтул Макдиси мусулмонлар фатҳ этди, яъни Аллоҳ уларга нусрат берди, Расулуллоҳ менга қишлоғим Жибрийнни ҳадя этган эдилар. У зот ҳадя этган қишлоқни менга беринг, – деди.

– Бунга ким гувоҳлик беради? – деб сўради Умар Форук.

Шунда саҳобалардан бири туриб:

– Мен гувоҳлик бераман, – деди.

Умар ибн Хаттоб Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг Тамим Дорийга ҳадясини тасдиқлаб берди.

* * *

Тамим Дорий Исломга киргандан бошлаб Масжиди Набавийни камдан-кам ҳолатда тарк этар, Аллоҳнинг каломи – Қуръонни кечаю кундуз тиловат қилар, ҳатто ҳафтасига бир марта хатм қилишни ўзига одат қилганди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида Мусҳафни жамлаган санокли кишилардан бири эди.

Тун пайти у Оламлар Рабби ҳузурида туриш учун тўлиқ зийнатланиб, таҳажжудни адо этишга киришар эди. Бир кеча уйқуси зўрлик қилиб, таҳажжуд намозига тура олмади. Шундан кейин у ўз нафсини жазолаш учун бир йил тўлиқ кечалари ухламасдан ибодат қилиб чиқди.

Тамим Дорий икки нур соҳиби – Усмон ибн Аффон шаҳид этилгунга қадар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шахрининг қўноғи бўлди. Сўнгра Шом диёри яқинидаги қишлоғида омонатини топширди. У “Жавлон” қабристонида дафн этилди.

* * *

Кўп ибодат ва кўп сажда қилувчи Тамим Дорийдан Аллоҳ рози бўлсин, қабрини мунаввар айлаб, унга жаннатнинг олий боғларидан маскан берсин.

Манбалар асосида
Мурод МЎМИН тайёрлади.

Ассалому алайкум ва
раҳматуллоҳи ва
баракотуҳ.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...



САВОЛ: *Жаноза намозига кечикиб келдим, биринчи такбирга улгурмадим. Имом билан қўшилиб, иккинчи, учинчи ва тўртинчи такбирларни айтдим. Биринчи такбирим нима бўлади?*

ЖАВОБ: «Киши жаноза намозига келганида имом биринчи такбирни айтиб бўлган бўлса, жаноза намози ниятини қилиб имом иккинчи такбирни айтишини кутиб туради ва (имом иккинчи такбирни айтганда) имом билан бирга такбир айтади. Қачон имом жаноза намозини тутатса, (муқтадий салом бермайди) тобут кўтарилишидан аввал қолиб кетган такбирни айтиб қўяди» («Фатавои ҳиндия»).

САВОЛ: *Айрим жойлардаги баъзи масжидларда жума куну жума намозининг фарзида одамлар имомга қўшилиб, жўр бўлиб салом бериш одати бор. Шундай қилиш жоизми?*

ЖАВОБ: Йўқ, жоиз эмас. Жамоат намозларида фақат имом овоз чиқариб, жаҳрий салом беради. Имомга эргашганлар махфий тарзда салом берадилар. Имомга қўшилиб, овоз чиқарган ҳолда жўр бўлиб салом бериш суннатга ҳилофдир.

САВОЛ: *Совуқ кунларда ҳажж ёки умра қилиш асносида икки қаватли эҳром ўраса бўладими?*

ЖАВОБ: Ҳавонинг совуқлиги боис икки қават эҳром ўрашнинг ҳеч қандай зарари йўқ. Энг асосийси, эркак киши эҳромда тикилган кийим киймаслиги шарт.

“Эҳромдаги эркак киши учун кийимни одатда кийиладиган тарзда кийиш тақиқланади. Агар шимини изор каби боғлаб олса ёки одатий кийимининг енгини киймасдан устига ташлаб олса, зарари йўқ” («Захираи Бурҳоний”).

САВОЛ: *Исмни қай тартибда ўзгартириш мумкин?*

ЖАВОБ: Шариатда исм ўзгартириш учун алоҳида маросим ёки қоида йўқ. Исмни ўзгартирган киши бу ҳақда ўзига яқин инсонларга эълон қилиб қўйса, кифоя.

САВОЛ: *Аёлим билан 8 ой бирга яшамдик. Энди никоҳ ўқитишимиз керакми?*

ЖАВОБ: Агар талоққа, ажрашишга оид бирор сўз айтмаган бўлсангиз, бирга яшамасликнинг ўзи билан ўртага талоқ тушиб қолмайди. Никоҳ ўқитиш лозим эмас.

САВОЛ: *Яқин кунларда набирали бўламиз. Яқинларим чучвара пишириб, момоларга бергин, тугунлари осон ечилади, дейишяпти. Аввало, Аллоҳ таоло ҳар қандай тугунни Ўзи ечади-ку. Яқинларимнинг гапи тўғрими? Менга маслаҳат беринг.*

ЖАВОБ: Аллоҳ таоло набирангизни эсон-омон ёруғ дунёга келишини насиб этсин.

Яқинларингиз айтаётган нарсалар нотўғри, бидъат-хурофотдан бошқа нарса

эмас. Уларга қулоқ солманг. Ҳар қандай муаммони ечадиган Зот – Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Ихлос билан кўпроқ ибодат қилиб, дуода У Зотдан мадад сўранг. Келинингиз ҳам Оятул курсийни кўп-кўп ўқисин.

САВОЛ:

Эҳромдаги эркак кишининг оёқ кийими қандай бўлиши керак?

ЖАВОБ:

Эркак киши эҳром вақтида икки оёғига оёқ устидаги бўртган қисмини ёпмайдиган оёқ кийимни кияди. Бу ўринда “тўпиқ” деганда, оёқнинг икки ёнidan бўртиб чиққан суяк тушунилмайди.

Бу борада “Фатавои ҳиндия” китобида бундай дейилган: «Эҳромдаги эркак киши кўйлак, чакмон, шим, салла, дўппи, маҳсига ўхшаш тикилган кийимлар киймайди. Аммо маҳси тўпиқнинг пастидан кесилган бўлса, уни кийиш жоиз. “Тўпиқ” деб бу ўринда (яъни эҳром масаласида) оёқнинг устки қисмидаги бўртган, пойафзал ипи боғланадиган жойи назарда тутилади. “Табйин” китобида шундай дейилган».

Агар эҳромдаги киши тикилган кийим ёки оёқ устидаги бўртган қисмини ёпувчи оёқ кийимни камида бир кундуз ёки бир кеча (яъни 12 соат) тўлиқ кийиб юрса, Ҳарам чегарасида битта қўй сўйиши вожиб бўлади. У ерда маблағи бўлмаган киши уйига келганидан кейин бўлсада, бир қўйнинг қийматини Ҳарамга жонлиқ сўйиш учун жўнатади. Агар бир кундуз ёки бир кечадан кам муддат тикилган кийим ёки оёқ устидаги бўртган қисмини ёпувчи оёқ кийимини кийса, икки кило буғдой қийматича пул садақа қилиши вожиб бўлади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази
(78) 150-33-44

Жин ва шайтонлар кўринадими?

Жин ва шайтон борлигига ишонамиз. Уларни биз инсонлар кўролмаймиз.

Жинлар Аллоҳ таолонинг иродаси ила одамларнинг кўзидан яширинган. Аллоҳ таоло ҳайвонларга уларни кўриш қобилиятини берган. Ҳайвонлар одамлар кўрмайдиган нарсаларни кўришлари ва ҳис қилишлари мумкин.

Одамлар ультрабинафша нурларни кўрмайдилар, асалари эса булутли ҳавода ҳам қуёшни кўради. Инсонлар дельфинлар, кўршапалаклар ва бошқа шу каби жонзотлар томонидан коинотга йўналтирилган ультратовуш диапазонини эшитмайди. Ҳайвонлар эса зилзила, тўфон ва шу каби табиий офатлар яқинлашиб келаётган хавфни олдиндан сезадилар. Инсоният эса аксар ҳолларда тахмин қилади, холос.

Жинлар биз учун кўринмас мавжудотлардир. Бироқ уларнинг яшаш жойи Ер юзидир. Биз уларни кўрмаслигимиздан жинлар мавжуд эмас деган хулоса келиб чиқмайди. Бу бизнинг ҳисларимиз чекланганини англатади. Аммо бошқа мавжудотлар жинлар ва шайтонларни кўришга қодир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Агар хўрознинг қичқириғини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан фазли ва марҳаматини сўранг. Чунки у (хўроз) фариштани кўрган. Агар эшакнинг ҳанграшини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан шайтондан асрашини сўранг. Чунки у (эшак) шайтонни кўргандир”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

“Кечаси итларнинг ҳуришини ва эшакларнинг ҳанграшини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан шайтондан асрашини сўранг. Чунки улар сиз кўрмаган нарсани кўради. Кечаси ҳамма ухлаб ётганда камроқ кўчага чиқинглар. Аллоҳ таоло тунда махлуқотларидан хоҳлаганича юборади”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Кечаси итнинг ҳураётганини ёки эшакнинг ҳанграшини эшитгач, ушбу дуони ўқиймиз: “Аъу’зу биллаҳи минаш шайтонир рожийм”, яъни Аллоҳ номи билан лаънатланган шайтондан паноҳ тилайман.

Раббимиз ёмонликлардан асрасин!

Митти чивин билан ҳалок қилинди

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِي حَاجَّ إِبْرَاهِيمَ فِي رَبِّهِ أَنْ آتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ إِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّيَ الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا أُحْيِي وَأُمِيتُ قَالَ إِبْرَاهِيمُ فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٢٥٨﴾



«Аллоҳ салтанат берганидан (ғурурланиб), Иброҳим билан унинг Рабби хусусида баҳслашган кимсани (Намрудни) кўрмайсизми?! Қайсики, Иброҳим: “Менинг Раббим тирилтиради ҳам, ўлдиради ҳам”, деганида, у: “Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман”, деди. Иброҳим айтди: “Аллоҳ Қуёшни Машриқдан чиқаради, сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?” Бас, (ўша) кофир (гап тополмай) лол бўлиб қолди. Аллоҳ золим кишиларни ҳидоят сари йўлламагай» (Бақара сураси, 258-оят).

Иброҳим алайҳиссалом билан баҳслашган, худолик даъвосини қилган шоҳнинг исми Намруд ибн Канъон бўлиб, у энг ғаддор ва шафқатсиз ҳукмдор эди. Худо берган давлатига маст бўлиб, мағрурланди. Қурғоқчилик пайти ундан ёрдам сўраб келганларга “Раббингиз ким?” дер, “Сенсан” демаганларга ҳеч нарса бермас, шу зайл ҳаммани ўз таъсири остига олган эди.

Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом одамларни ўзлари ясаган бутлар-

га топинишдан қайтариб, ягона Аллоҳга ибодат қилишга чорлаганида, у жуда ғазабланди. Иброҳим алайҳиссаломни ҳузурига чақиртириб:

– Раббинг ким? Кимга итоат қиласан? – деди.

Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом:

– Менинг Раббим шундай Зотки, ҳам ҳаёт беради, ҳам ўлдиради. Ҳаёт ато қилиш ва уни қайтариб олиш фақат Унинг қудратига хосдир, – деб жавоб берди.

Намруд қаҳқаҳа отиб кулди ва бундай деди:

– Шу ҳам иш бўлибдими? Мен ҳам истаганимга ҳаёт бериб, истаганимни ўлдира оламан. Модомики, бу ишни қила олган илоҳ бўла олар экан, мен худоман.

У шундай дегач, зиндондан тўрт одамни олиб келишни буюрди. Иккисини ўлдириб, қолган иккисини қўйиб юборди. Сўнг кибрланган ҳолда:

– Мана, истаганимни ўлдирдим, истаганимга ҳаёт бердим, – деди.

Шунда Иброҳим алайҳиссалом:

– Менинг Раббим бўлган Аллоҳ қуёшни шарқдан чиқариб, ғарбга боттиради. Агар сен илоҳ бўлсанг, уни ғарбдан чиқариб, шарққа боттир-чи? – деди.

Бу далил олдида Намруд ҳеч нарса дея олмай қолди. Ҳазрат Иброҳимни сўз ва мантиқ ила енга олмаслигини билгач, жуда катта олов ёқтирди ва уни оловга ташлади. Аллоҳнинг изни ила олов Иброҳим алайҳиссаломни куйдирмади...

Ана шундай улуғлик даъво қилиб, Аллоҳ таолонинг Пайғамбарини оловга отишдек тубан ишларга журъат қилган Намруд кун келиб, бир чивин олдида ожиз бўлиб, нима қилишини билмай қолди. Ўзини шундай қудратли санаган шоҳнинг бир кичик чивин



боис ороми йўқолган эди. Қаерга бормасин, чивин унинг ортидан қолмас, гоҳ бурнига, гоҳ юзига қўнар, чақиб қочарди. Уни тутишга, ўлдиришга ҳарчанд уринмасин, у далай олмади. Бу ишга бутун сарой аҳли сафарбар қилинди. Ҳамма чивиннинг ортидан тушар, аммо ҳеч ким уни тута олмас эди. Эшиклар, деразалар беркитилиб, тамбаланса ҳам, чивин ичкарида пайдо бўлиб қолаверарди.

Аллоҳнинг ҳикматини қарангки, илоҳликни даъво қилган Намруд бир чивин олдида ожиз қолдирилган эди. Энди у саройда у хонадан бу хонага қочар, чивиндан қутулиш учун нима бўлса, қилиб кўрар, аммо чивин уни таъқиб қилишдан тўхтамасди. Унинг атрофида ҳамма хизматкорлари парвона бўлар, қўлларидан келган чора-тадбирларни кўрарди.

Кутилмаганда чивин Аллоҳнинг амри билан Намруднинг бурнига кириб кетди. Ўша кундан бошлаб унда чидаб бўлмас бош оғриғи бошланди. Миясига қадар етган чивин уни мислсиз бир азобга гирифтор қиларди. Намруд чора тополмай бошига тўқмоқ билан урдира бошлади. “Уринг, уринг”, дер, чивин миясига берган азоб олдида тўқмоқнинг зарбини ҳис қилмасди. “Қаттиқроқ, тезроқ уринг” деб такрорлайверарди. Бошидан қонлар оқа бошлади ҳамки, бошига урдиришда давом этди. Бунга ҳам чидамай, ўзи бошини деворларга ура кетди. Ҳеч нарса наф бермади. Намруд бошидан еган зарбалар оқибатида беҳуш бўлди. Чивин ҳамон унинг миясида эди. Золим Намруд кўп ўтмай қийналиб жон берди...

Манбалар асосида
Абдулатиф ХУДОЙБЕРДИ ўғли
тайёрлади.

Ҳақ эгасига қайтарилади

Бир куни Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолога муножот қилиб деди: “Эй Раббим! Сенинг адолатингга шак йўқ. Аммо бу дунёда бир-бирига зулм қилаётганлар бор. Мазлум одам ўзига зулм қилган кишидан шу дунёнинг ўзида ҳақини олиши мумкинми?”

Аллоҳ таоло: “Эй Мусо! Аср вақтидан кейин фалон жойга борсанг, мазлум золимдан ўз ҳақини қандай олганини кўрасан”, деди.

Мусо алайҳиссалом айтилган вақтда айтилган жойга етиб бордилар. У ер тоғли жой бўлиб, тоғнинг тепасидан шарқираб сув оқиб тушаётган экан. Мусо алайҳиссалом бу ерда нима бўлар экан, деб бир чеккада кузатиб турдилар. Бир пайт туяга минган бир одам келди. Уловидан тушиб сув ичмоқчи бўлди. Белбоғини ечиб бир чеккага қўйди. Сувдан қониб ичди ва туясини ҳам суғорди. Бироз дам олгандан кейин туясига миниб кетди. Аммо белбоғини унутиб қолдирди. Бироздан сўнг ўша ерга эшак минган ёшгина йигит келди. У ҳам уловидан тушиб сувдан ичди ва эшагини ҳам суғорди. Бир пайт ерда ётган белбоққа кўзи тушди ва уни олиб қараса, ичида анчагина тилла ва қимматбаҳо тақинчоқлар бор экан. Бола у ёқ-бу ёққа қаради-да, ҳеч ким кўринмагач, белбоғни олди-да, жўнаб қолди. Орадан кўп ўтмай, сув ичгани кекса бир чол келди. У сув ичиб турган эди, белбоғини унутиб қолдирган туякаш келди ва белбоғини қўйган жойидан ахтарди. Топа олмагач, чолдан белбоғини сўради. Чол эса белбоғни кўрмаганини айтди. Шунда туякаш жаҳл билан чолни бир урган эди, у нафас ололмай ўлиб қолди.

Бу воқеани кузатиб турган Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолога нидо қилиб: “Эй Раббим! Ахир, бейб бир қарияни ўлдирди-ку?!” дедилар. Шунда Аллоҳ таоло: “Эй Мусо! Бу қария кўп йиллар олдин туякашнинг отасини ноҳақ ўлдирган ва бундан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Эшак минган боланинг отаси эса туякашнинг қўлида йигирма йил ишлаган, аммо туякаш унинг ҳақини бермаган эди. Бугунга келиб бола отасининг ҳақини олди, туякаш эса отасининг қотилини ўлдирди”, деб жавоб берди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг биринчи ўринбосари
Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ
таржимаси



Дунёдаги энг сахий халқ

Буюк Британиянинг Charities Aid Foundation's ташкилоти ҳар йили дунёнинг 119 мамлакатада сўровномалар ўтказиб, хайрия ва беминнат кўмак ишларида қайси халқ вакиллари фаол эканини аниқлаб, рейтинг тузади.

Мана бешинчи йилдирки, кетма-кет индонезияликлар рейтингда биринчиликни эгаллаб, сайёрадаги энг сахий халқ деб тан олинди, дея хабар беради Coconuts Jakarta нашри.

Сўровда иштирок этган мамлакат аҳолисининг 68 фоизи моддий хайр-эҳсонлар ёки кўнгилли ишлар орқали муҳтожларга ёрдам беришга тайёрлигини билдирган. Тадқиқотга кўра, индонезияликларнинг қарийб 80 фоизи хайрия ишларига пул ажратади ва 60 фоизга яқини ўз меҳнати ва вақтини сарфлайди.

Кўкаламзорлаштириш лойиҳаси

Саудия Арабистони расмийлари Масжидул Ҳаром ҳовлиларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш лойиҳасини ишга туширди.

Ижтимоий тармоқларда Масжидул Ҳаромнинг яшил майдонлари акс этган видеолар тарқади, деб ёзади IslamNews.

Лойиҳа ижодкорлари ободонлаштириш ишлари зиёратчиларга ҳалал бермаслигини таъкидлашди. Улар кўкаламзорлаштириш ишларида ҳаво алмашинувини яхшилашга хизмат қилувчи, ҳашаротларни ўзида жамламайдиган ўсимликлар танлаб олинди, экилаётганини қайд этишди.

Футболчи мукофотни онасига топширди

Марокаш терма жамоаси ҳимоячиси Ашраф Ҳакими барчага ўрнатилган бўладиган ишни амалга оширди.

У Ар-Риёда бўлиб ўтган "Joy Awards" танловида 2022 йилнинг энг яхши араб спортчиси сифатида эътироф этилди. Анъанага кўра, бу соврин Яқин Шарқдан келган спортчиларга берилади.

Мукофотлаш маросимида Ҳакими мазкур мукофотни олиб, уни онасига топширди. Унинг бу ҳатти-ҳаракати дунё ижтимоий тармоғида эътироф этилди.

Марказий Осиёдаги энг йирик масжид

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида 2009 йилдан буён қатарлик ҳомийлар кўмағида қурилаётган улкан масжид жорий йилнинг иккинчи чорағида очилади.

Бу ҳақда Тожикистон Диний қўмитаси раҳбари Сулаймон Давлатзода маълум қилди. У қайд этишича, Марказий Осиёнинг энг йирик 120 минг ўринли масжид Қатар делегацияси иштирокида очилади.

Тожикистон расмийларига кўра, мазкур масжид 2020 йилнинг август ойида очилиши керак эди, аммо Covid-19 эпидемияси туфайли қолдирилган.

Лойиҳанинг қиймати 100 миллион долларни ташкил этади.

“Келажак масжиди” лойиҳаси

Баҳрайн расмийлари Ислом меъморчилигини қайта кўриб чиқиб, янги масжид лойиҳасини маъқуллади.

Унга кўра, ушбу масжид футуристик (келажак) услубда барпо этилади.

Лойиҳа меъмори Али Каримийнинг сўзларига кўра, қурилиш қиймати тахминан 700 000 Баҳрайн динарини ташкил этади. Бу анъанавий услубдаги масжидлардан 10–20 фоизга арзон.



Сайёҳлар учун янги дастур

Саудия Арабистони Saudia Airlines авиакомпанияси йўловчиларига чипта билан бирга 96 соатлик туристик виза олиш имконини берувчи дастурни ишга туширди.



Бу сайёҳларга қиролликнинг асосий диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиш имконини беради ва бу умра зиёратини осонлаштиради, дея хабар беради Arabian Business. Виза учун ариза бериш атиги уч дақиқа давом этади.

Саудия ҳукумати “Сизнинг чиптангиз виза” дастури доирасида 2023 йилда халқаро рейсларга талаб 40 фоизга ошишини кутмоқда.

Қубо масжиди кенгайтирилмоқда

Мадина шаҳри ҳокимлиги Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам тамал тошини қўйган Қубо масжидини кенгайтиришнинг биринчи босқичи бошланганини эълон қилди.

Лойиҳага кўра, масжиднинг умумий майдони 10 баробар кенгайтирилиб, 66 000 намозхонни сиғдира олади ва Қубо масжиди учинчи йирик масжидга айланади.

Ислом тарихидан маълумки, Қубо масжиди Мадинада қурилган илк масжид бўлиб, 622 йилда бунёд этилган. У Масжидун Набавийдан 5 km узоқликда жойлашган.

Ҳалол маҳсулотларга талаб ортмоқда

Сўнгги йилларда ҳалол маҳсулотлар ва хизматлар бозори жадал ривожланиб бормоқда.

Бу жараёнда ўсиш суръати йилига 5 фоиздан 15 фоизгача кўтарилиб, глобал ҳалол саноатининг йиллик айланмаси 2 триллион долларни ташкил этди. 2024 йилга келиб бозор ҳажми 3,5 триллион долларга етиши кутилмоқда. Ҳалол маҳсулотларнинг асосий бозорлари Саудия Арабистони ва БАА ҳисобланиб, Саудия Арабистони йилига 1,2 миллиард долларлик гўшт импорт қилади. Гўшт маҳсулоти эса жаҳон экспортида ҳалол маҳсулотлар улушининг тахминан 35 фоизини ташкил этади.

Россиянинг Россельхознадзор ташкилоти 2022 йилда Россиядан ҳалол маҳсулотлар экспорти деярли 50 фоизга ошганини хабар қилди.

Фармацевтика соҳасида янгилик

Британия фармацевтика институти ўқитувчиси 29 ёшли Асир Авад кейинги йилларда кўплаб ютуқларга эришди.

Ёш муслима илк тадқиқотларини тиббиётга қаратди ва ҳамкасблари билан биргаликда 3D принтерида беморлар учун энг қулай шаклда дори-дармонларни ишлаб чиқариш технологияси ва сувсиз ютиб юборадиган таблеткаларни кашф этишди.

Асир Авад кўплаб мукофотларга сазовор бўлди. Хусусан, 2022 йилда Халқаро фармацевтика федерациясининг “порлаган юлдузи” сифатида эътироф этилди.



Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимот сифатида Ислом ўлкаларига кенг ёйилиши, ижтимоий ҳаётда муҳим воқеликка айланишида Мовароуннаҳр ва Хуросондан егишиб чиққан олимларнинг ўзига хос ўрни бор¹. Хусусан, XIII–XIV асрларда яшаб ижод этган тасаввуфий олим Шайх Хованд Тохур ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётида ўзига хос ўринга эга намояндалардан саналади.



Шайх Хованд Тохур асарларида ижтимоий масалалар

Унинг асарларида зоҳирӣ (динӣ ва дунёвий), ботинӣ (сўфӣйлик) илмлар ўрин олган бўлиб, нафақат ўрта асрлар, балки бугунги кун ижтимоӣ муаммолар ечимида ҳам муҳимдир.

Шайх Хованд Тохур (Пок Шайх) машҳур тариқат вакилларида бири Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди. Хованд Тохур илоҳиёт ва тариқатга доир илк сабоқни отасидан олди. Фаҳруддин Али Сафийнинг “Ра-шаҳоту айнил ҳаёт”ида ёзилишича, Шайх Хованд Тохур илоҳиёт ва тасаввуф илмининг улуғларидан бири, етук мутасаввифлардан эди. У тавҳид ва тасаввуфга оид ибораларга шарҳ ёзган. Шеърятда ҳам фасих бўлган².

Шайх Хованд Тохур бир неча асарлар муаллифи саналади. Олимнинг тарбиявий аҳамиятга эга меросини ўрганиш ёшлар маънавиятини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Инсониятни халқпарвар ва жамиятга фойда бериш руҳида тарбиялаш Шайх Хованд Тохур асарларининг асосини ташкил этади. У кишининг мероси халқ ҳаёти, жамият манфаатига хизмат қилиши, шахс маънавиятини шакллантириши, ахлоқий билимларини бойитиши билан бугунги кунда ҳам қадрлидир.

Шайх Хованд Тохур “Рисола дар масойили шариат ва тариқат” асарида инсонни комилликка етакловчи, ўзлигини англашида, ҳақ йўлдан адашмаслигида муҳим эслатмалар беради. Масалани чуқурроқ тушунтириш мақсадида қиёс учун бундай дейди:

“Табиблар тўрт хил касалликни даволай олишмайди. Улар – истисқо (сариқ сув касаллиги), диққ (сил касаллиги), жузом (мохов касаллиги) ва девонагий (жиннилик). Агар қиёсланса, истисқо – дунё ва унинг молига ҳаддан ташқари ҳирс қўйишдир. Диққ – худбинлик иллати. Жузом – жони ва руҳида тузалмас иллат ёпишган киши бўлиб, уни бир қўрган киши қайта қўришни орзу қилмайди. Жиннилик – беҳаловатлик, васвосдир...”

Ҳазрат аслида ҳеч бир инсон ҳирс, бахиллик, ҳасад, гина, зулм каби иллатлардан холи бўлмаслигини, бу иллатлар инсонни енгиб, хароб этмаслиги, балки улардан халос бўлиш учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатларини маҳкам тутиш зарурлигини таъкидлайди.

Аждодлар меросини ўқиб, ўрганиб, тадқиқ этиш, уларнинг фойдаларидан халқимиз, айниқса, ёшларни хабардор этиш орқали бу иллатларни бартараф этиш имконияти кенгайди.

Хуршида УСМОНОВА,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
мақсадли таянч докторанти*

¹ Усмонов И. Тасаввуф фанидан ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. 3-бет.

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-sh/shayx-xovandi-tohur-uz/>

Мўъжизалар гулдастаси

Инсон кўзи билан кўрган яхши ё ёмон нарса унинг қалбида аксланади, кечинмалар ҳосил қилади. Тафаккур ва таҳассус (ҳислар) атрофга ибрат назари билан боққанларда бўлади.

Аллоҳ таоло бандаларини оламга ибрат назари билан қарашга ундаб, бисират кўзи билан боқишга буюрган: **“Улар туяга, булутга, ёмғирга, тоғларга, яшил ўсимликларнинг қишда қандай ўлиб, баҳорда яна қайта тирилишига, ўтган қавмлардан қолган асарларга... боқмайдиларми?”**

Жуда кўп оятларда **“Ақл юргизмайдиларми? Фикр қилмайдиларми? Идрок этмайдиларми?”** дея одам боласи ҳаётни, коинотни шунчаки томоша эмас, тафаккур ва идрок ила мушоҳада қилиши лозимлиги таъкидланган.

Коинот нашъалар булоғидир. Инсон ҳам илоҳий нашъанинг бир тажаллийсидир. Кўрувчи кўзлар, эшитувчи қалблар Ер юзида илоҳий нашъадан бошқа бирон нарсани кўрмайди, эшитмайди.

Инсон тонгда бошини кўтариб, чиқаётган қуёшга қараб фикр этиши, уфқдаги ранго-ранг чизиқларни кўриб, тафаккур қилиши керак. Бир рассом чизган оддий сурат олдида ҳайрон боққан кўзлар Буюк Мусаввир яратган ақлларни лол қолдирувчи бетакрор мавжудотларни кўрганида қандай қилиб Унга таслим бўлмаслиги мумкин?

Лола ё бинафшага қаранг! Ажабо, улар бунча ранглар ва гўзалликни қора тупроқнинг қаеридан олишди экан? Ёки тутнинг тотти ва жилосини кўринг. Қуёш нурлари билан ўйнашган турфа ранг гулларга боқинг... Санаб адоғига етиб бўлмайди бу гўзалликларни...

Бу олам мўъжизалар гулдастасидир. Бир гулнинг ишваси, ари ва капалакнинг парвози, парвонанинг куйиб-ёниши, булбулнинг сайроғи ва... ўзингизга ҳам назар солинг... Бу гўзалликлар Зул жалол вал

икром Раббимизнинг яратикларидан бир қисмидир...

Тонг ёришаркан, илк нурлари ила дунёни ёритган қуёш бошланган янги кун саломини келтираётиб бизга гўё “Уйғон” дея мана бундай насиҳату эслатма қилади:

“Қара, сенга бугун ҳам ҳаёт дафтарингдан яп-янги саҳифа ҳадя қилинди. Қиёматда ўзингга бериб ўқитиладиган бу саҳифани нима билан тўлдирасан? Китобингни ўқи, бугун сендан ҳисоб сўраш учун нафсинг кифоя!” дейиладиган у даҳшатли кун учун бугун қандай ҳозирлик кўришни ўйлаяпсан?..”

Кеч тушиб, осмон қизариб, сўнг тўлқин-тўлқин бўлиб қорайганида кеча ўз ҳоли тилида одамзодга:

“Мана, сенга инъом қилинган саноқли муддатдан яна бир кунинг ўтди. Ўлим сенга яна бир қадам яқинлашди. Оҳ-фиғон қилиш, нолиш фойдасиз. Қанчалик уринма, бу кунни энди ортга қайтара олмайсан. Бироздан сўнг сени ўлим тимсоли бўлган уйку элитади. Хўш, бугун қандай солиҳ ишлар қилишинг керак эди? Нималар қилишга улгурдинг? Қила олган ва олмаган ишларингни бир таҳлил эт!.. Балки эртанги кунни кўрмаслигинг ҳам мумкин! Шу ҳақда ўйлаб кўр...” дейди.

Борлиққа тафаккур ва ҳислар билан юзланган қалблар Аллоҳ таолони танийди. Инсоннинг бу ибрат ва ҳикматга йўғрилган юзланишида энг катта ёрдам Ҳақнинг валийси бўлган солиҳ кишилар билан дўстлашиши, яъни кўнгил яқинлиги ҳосил қилишидир. Унинг жамолига етгунча Унга яқин бўлган валий зотлар билан унсият (дўстлик) қуриш заруратидир. Чунки маънавий даража лаҳзалик бўлмай, босқичма-босқич ҳосил бўлади. Зеро, соғлом ақл бошқа бир соғлом ақлдан улги олади. Йўли ойдинлашиб, ён-атрофни, манзилни яхши кўра бошлайди...

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.



Тарбия ҳақидаги улуғ китоб


Алишер Навоий, аввало, инсоннинг яратилиши, моҳияти, унинг табиат ва жамиятдаги ўрни, хизмати ҳақида тўхталар экан, бу масалага ечимни Қуръони каримдан қидиради. Инсон яралишидан мақсад ва унга юкланган масъулият ҳақида тафаккур қилишга ундайди. Шунинг учун инсон энг олдин яратган Зотни таниб олмоғи, ақидасини тўғрилаб олиши тавсия этилади. Бу эса унинг тўғри йўлдан юриши, бузук таълимот ва ғояларга берилмаслигини таъминлайди:

*Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат.
Илмиға ҳар зотни хайл айладинг,
Зотиға оламни туфайл айладинг.*

Инсон ўзини йўқлик оламидан бу оламга келтирган Зотни яқиндан таниб олса, жаҳолат ва гумроҳлик сари юз тутмайди. Ҳамма бало ва мусибатларнинг боши ана шу танимаслик билан боғлиқдир. Навоий инсонни “олам ичидаги олам” деб улуғлайди, унинг мартабаси бошқа жонзот ва махлуқларникидан юқори туришини, ўзи ҳам шунга яраша амал қилишини тушунтиради. Одоб-ахлоқи билан инсон ўзининг ҳақиқий мартаба-мақомига кўтарилар экан, бадхулқ ва жоҳил одамни бу мақомга муносиб деб бўлмайди. Бироқ одам кўрки ва зийнати ҳисобланган ахлоқий фазилатлар шариатнинг чегарасидан четга чиқмаса, янада гўзал маъно касб этади:

*Ҳар неким ул шаръдин этиб удул,
Эрмас адаб айласанг они қабул.*

“Ҳайратул аброр” достонидаги панд-насихатга йўғрилган бобларни кўздан кечирадиган бўлсак, имон, қарам, адаб, қаноат, вафо, ростгўйлик, илм каби инсоний ҳислат ва фазилатларга алоҳида боблар бағишланиб, шеърӣ ифода ва талқинлар билан йўғрилгани ўқувчиларга маънавий завқ



беради. “Ҳайратул аброр” достони чинакам тарбия ва ҳаёт ҳақиқатини танишда ўзига хос бадиият маҳсулидир.

Алишер Навоий мазкур достоннинг 32-бобида жоҳу насаб ва ҳаёву адабни бир-бирига қиёслаб бундай деган:

*Элга шараф ўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.*

Бу дунёнинг сир-синоати, жумбоқлари ва ғаройиблигига ақл кўзи билан қараган одамзод тўғри ечим топади ва маънавий поклик сари йўл тутаети. “Ҳайратул аброр” достони маърифий-ахлоқий асар сифатида ўқувчига маънавий адаб дурларни улашиб, тавҳид ва Аллоҳни таниш ҳақида динимиз таълимотидан ақидавӣ сабоқлар беради:

*Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.*

Алишер Навоий ортиқча кулги ва ҳазил-мазах туфайли киши ислоний одоб-ахлоқ меъёрларидан четга чиқишини бадиӣ ифода ва гўзал ташбеҳлар орқали чизиб берадики, ўқувчи уни ўқиганда бу ишдан тийиладӣ:

*Тарки адабдин бири кулги дурур,
Кулги адаб таркига белгу дурур.*

*Қаҳқаҳадин кабк наво келтуруб,
Бошиға ул кулги бало келтуруб.
Ғунча кулуб бўлди очилмоқ анга,
Етти очилмоғида сочилмоқ анга.*

Барқни кулги йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи тупроқ аро.
Субҳки бу шева писанд айлабон,
Меҳр ўти дуррини сипанд айлабон.
Кулгики ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Ислом адибларидан бири Абул Ҳасан Мовардий “Дунё ва дин одоби” китобида ҳазил-мазах ва кулгини ҳақларга риоя қилмаслик, ҳазил-мазах қилувчи шаънига доғ тушириб, устидан кулинган кишига озор етказиш, ҳайбат, виқор ва кўркамликни кетказиб, енгилтак ва аҳмоқ кишиларнинг журъатини пайдо қилиш деб баҳолайди. Умар ибн Абдулазиз: “Ҳазил-мазахдан сақланинглари. Чунки у ўртага адоват соладиган аҳмоқликдир”, деб огоҳлантиради. Донишмандлардан бири: “Ҳазил-мазах бу сўкишдир. Бунинг сўкишдан фарқи ҳазил-мазах қилувчи кулади, холос”, дейди. “Мансурул ҳикам” китобида: “Ҳазил-мазах олов ўтинни кул қилганидек ҳайбатдан айиради”, дейилган.

Шулардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Алишер Навоий кулги ва ҳазил-мазах кабилар ўз меъёридан ошадиган бўлса, яхшиликка олиб бормаслигини, аввало, ўз эгасини чақмоқни ерга йиққандек йиқишини, ғунча каби шамолда сочилишини ва каклик каби овчига ўлжа бўлишини ҳаётий мисоллар орқали чизиб кўрсатади. Бу эса ўқувчи қалбига таъсир қилиб, ўзини ислоҳ қилиши ва хулқини тузатишга ундайди.

Ҳозирги кунда оммавий интернет тармоқларида беадаблик, шарм-ҳаё ва тарбиядан йироқ маълумотлар шу қадар авж олиб бормоқдаки, уларни кўришга ё айтилган сўзларни эшитишга чидаб бўлмайди.

Алишер Навоий айтганидек, адабсиз ва уяти йўқ кишилар ҳеч қачон азизу мукарам бўлмайди. Афсуски, улар бу ўғитни яхши билмайди ёки мағзини чақиб олмаган, ўз фойдаси учун ўйлаб кўрмаган. “Хамса” китоби ишқ-муҳаббат достони бўлиб қолмай, биринчи навбатда тарбия ва адаб берувчи улуғ китоб эканини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Бобомурод ЭРАЛИ,
Алишер Навоий номидаги
Адабиёт музейи тадқиқотчиси



Алишер НАВОИЙ

Айлама

Ё Раб, ул юзни даме кўзумга
пинҳон айлама,
Ё кўзимни ондин ўзга юзга
хайрон айлама.

Чехрасига мезбон ўлсун кўзум,
ул чехрани
Кўзларим уйидин ўзга уйга
меҳмон айлама.

Очмайин зулфи паришон кўнглума
чектирма оҳ,
Етмайин оҳим ели зулфин
паришон айлама.

Жонима лаълидин ўзга лаълдин
берма ҳаёт,
Лаълиға¹ жонимдин ўзга жонни
қурбон айлама.

Бошима кўйидин ўзга кўйни
қилма ватан,
Кўйида бошимдин ўзга бошни
ғалтон² айлама.

Эй кўнгул, давр аҳлидин минг
йилчилик йўл гўша тут,
Ё алардин етса юз минг ғусса
афғон айлама.

Истасанг, эй гул, Навоийдек хуш
илҳом булбуле,
Ғунчадек кўнглин маломат
хоридин қон айлама.

¹ Лаъл – оби ҳаёт, ишқ суви.

² Ғалтон – овора, саргардон бўлиш.

Қироат услубларининг фарқли жиҳатлари

Мусулмонлар Мадинага кўчиб ўтишгач, кўплаб араб қабилалари Исломга кира бошлади. Янги мусулмон бўлганларнинг Қуръон ўрганишларида маълум қийинчиликлар юзага кела бошлади. Ўзлари ўрганган лаҳжаларига зид равишда Қуръон калималарини талаффуз қилишда уларга машаққат пайдо қилди.

Шу боис Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолодан улар учун енгиллик беришини сўраб илтижо қилдилар. У зотнинг дуолари сабаб Аллоҳ таолонинг азалий иродаси юзага чиқди: Қуръони каримни бир неча ҳарфда ўқишга ижозат бўлди.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жаброил менга бир ҳарфда қироат қилдирди. Мен унга мурожаат қилиб, зиёда этишини сўрайвердим, у зиёда қилиб бораверди, ниҳоят, етти ҳарфгача етди”**, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида саҳобалар орасидан Қуръон қироатида моҳирлар, энг пешқадамлар етишиб чиқди. Жумладан, Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ Ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Абу Мусо Ашъарий, Усмон ва Али розийаллоҳу анҳум ана шундай саҳобалардан эди.



Булардан ташқари, яна бир қанча саҳобалар Қуръон қориси ўлароқ ном чиқарган.

Набий алайҳиссалом вафот этганларидан кейин саҳобалар Пайғамбаримиздан таълим олган сура ва оятларни ўзлари ўргангандай кейинги авлодга, яъни тобеинларга етказдилар. Улар орасида Қуръон қироатини ўрганишга бел боғлаган кишилар ажралиб чиқдилар. Мана шу аснода секин-аста қироат мадрасалари шакллана бошлади. Шу билан бирга, қироат мазҳаблари ҳам юзага чиқиб, айрим устозлар маълум бир усулда ўқиш ва ўқитиш билан танилдилар. Улар саҳобалардан олган таълимотларини тартибга солиб, услубларини бирлаштира бошладилар. Натижада уларнинг ҳар бирида ўзига хос қироат услуби пайдо бўлди.

Ислом таълимотига оид барча илмларда бўлгани каби қироат илмида ҳам махсус йўналишлар ва услублар бор. Ушбу илмда ўн мутавотир йўналиш, яъни қироат услуби бўлиб, буларнинг барчаси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан то ҳозирги кунимизгача бирор-бир узилишсиз, мутавотир йўл билан бизгача етиб келган.

Ҳар бир қироат имомининг икки нафардан энг машҳур ровийси, яъни энг ишончли шо-

гирдлари бор. Ўн қироат имоми ва уларнинг ровийлари ўртасида, шариат илмларида бўлгани каби, ўзига хос фарқли жиҳатлар кўзга ташланади.

Мисол учун, кўплаб Ислом динларида тиловат қилинадиган Имом Осим қироати соҳибининг икки машҳур ровийси Имом Ҳафс ва Имом Шўъбадир. Имом Осимнинг ушбу икки ровийси ўртасида бир қанча фарқли ўринлар бор. Бақара сураси 85-ояти сўнгидаги **يَعْمَلُونَ** калимасини Имом Шўъба **تَعْمَلُونَ** қилиб, мухотаб сийғасида, яъни калиманинг аввалидаги **ي** ҳарфини **ت** ҳарфига алмаштириб ўқиган. Ҳафс ва Шўъбанинг қироатида бунга ўхшаш фарқлиликларни учратиш мумкин.

Қолган тўққиз қироат имомлари ва уларнинг ровийлари орасида ҳам фарқли жиҳатлар бор. Қироат илмидаги бундай хилофлар Қуръони каримдан ирода қилинган асл маъно-мазмунга таъсир қилмаса-да, калималарнинг зоҳирий кўриниши ва талаффузи ўзгариши мумкин.

Шариат илмларида бўлгани каби бир киши Қуръон қироатини ўрганишда бир қироатда ўқидими, умрининг охиригача ўша қироатда Қуръон тиловат қилиши шарт эмас. Балки Қуръон ҳофиз қироат илмида етук илмга эга бўлса, Қуръони каримни хоҳласа, Имом Осим қироатида, хоҳласа, Имом Нофеъ қироатида, агар қодир бўлса, қолган барча қироатларда тиловат қилиши мумкин. Лекин қироат илмида мукамал илмга эга бўлмаган қорилар устозларидан таълим олган қироат услубидагина Қуръон ўқишлари лозим.

Абдураззоқ ИСАҚОВ,
ЎзХИА 2-босқич магистранти



Дунё тан олган МУТАФАККИР

Шоҳ ва шоир сифатида нафақат ўзбек халқи, балки дунё тарихида муҳим ўрин тутган етук зот Заҳириддин Муҳаммад Бобур Темурийлар сулоласининг вакили сифатида 12 ёшида тахтга ўтирди.

Орадан вақтлар ўтиб, у дунё тан олган бир сулолага асос солди. 300 йил Ҳиндистон тупроғига осойишталик, тараққиёт олиб кирган Бобурийлар сулоласи ҳазрат Бобурнинг мутафаккир шоҳ бўлгани сабаб, сулола асосини тўғри белгилаб бера олгани боис узоқ йиллар ўзга юртда ҳукм сура олди.

Заҳириддиннинг болалиги Андижонда сарой муҳитида ҳар тарафлама яхши тарбия топиш билан ўтди. “Бобур”, яъни шер, йўлбарс лақабини олишига шерюррак ва ботирлиги сабаб эди. Амир Темур салтанатини қайта тиклаш ниятида машаққатли курашларга бел боғлаган Бобур бу улуғ ниятига эришолмади. Ҳамма нарсасига эга бўлган шоҳ ва шоирнинг Ватандан олисдалиги катта армони эди.

Бобур Ҳиндистондаги кўплаб хурофотлар, жумладан, эри ўлган аёлни тириклайин эрига қўшиб ёкишдай жирканч ишга барҳам берди. Эзгу ишлар қилгани учун ҳинд халқи Бобурни ардоқлади. Бобурийлар тарихини ўз тарихининг чиройли, дилбар саҳифалари деб билди, билди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг талотўпларидан ортиб, илм, бадиий ижод билан шуғуллана олди.

Ҳарб ишига доир китоблар ёзди. “Мухтасар” асари аруз илмига бағишланган. Иккита шеърый девонга тартиб берди. Икки тилда битилган 400 дан ортиқ гўзал ашъорни бизга мерос қолдирди. “Бобурнома” эса етук саркарда, шоҳ ва шоирнинг ҳаётномаси дейиш мумкин.

Салоҳиддин ГАДОЕВ,
Бухоро шаҳри “Хожа Исмаи Бухорий” жоме масжиди имом-хатиби

Ўзингдан бир сифат устун билан юр...

Воқеа сурасини ўқиб...

Абдуллоҳ ибн Масъуддан бир ҳадис етар,
Воқеа сурасин ўқинг эрта-кеч.
Расулуллоҳ сўзин бизга эслатар,
“Фақирлик юзини кўрмагайсиз ҳеч”.

Қизикдим, ўқидим Қуръон сурасин,
“Воқеа” – қиёмат, титроқ кунидир.
Ким ундан беҳабар, албат, сўрасин,
Қиёмат банданинг сўроқ кунидир.

...Ер қаттиқ ларзага келар, ёрилиб,
Тоғлар тўзғиб кетар ғубор, чанг бўлиб.
Ўлганлар ғўридан чиқар тирилиб,
Аллоҳ ҳузурида турар жам бўлиб.

Одамлар ўнг ва чап томон айрилар,
Ўнг томон жаннатдан бўлади нишон.
Кимгаки китоби чапдан берилур,
Ул банда дўзахга тушар, ал-омон...



Одам бўлиб яшайлик

Кўп гапирган одамдан сайроқи булбул яхши,
Иффати йўқ гўзалдан тикони бор гул яхши,
Диёнатли инсонлар башариятнинг нақши,
Аллоҳ берган умрни бекорга ўтказмайлик,
Омонат бу дунёда одам бўлиб яшайлик.

Гоҳида баҳорнинг ҳам қаҳри қишдек бўлади,
Ўтказган умримиз ҳам худди тушдек бўлади,
Қилинган яхшиликлар семурғ қушдек бўлади,
Аллоҳ берган умрни савобга бағишлайлик,
Омонат бу дунёда одам бўлиб яшайлик.

Омонатга хиёнат бу – гуноҳнинг каттаси,
Лафз қилиб бажармаслик номардларнинг ҳийласи,
Қарз олиб қайтармаслик – осий банданинг нафси,
Хиёнаткор лафзсизни бу йўлдан қайтарайлик,
Омонат бу дунёда одам бўлиб яшайлик.

Шермуҳаммад, ҳар қандай балолардан огоҳ бўл,
Ўз йўлингда учраган номардлардан йироқ бўл,
Ер остига кирарсан, ки ҳозирдан тупроқ бўл,
Дўстларим, уйғоқликни ҳеч қачон йўқотмайлик,
Омонат бу дунёда одам бўлиб яшайлик.

Шермуҳаммад ОЛИМ,
Каттақўрғон тумани

Хурмозор, бананзор, мевалар сархил –
Жаннат аҳли учун абадий ҳаёт.
Билинг, жаннатда ҳам даража ҳар хил,
Аллоҳ деб эгилган хушнуд бағоят.

Жаҳаннам – дўзахда шиддатли олов,
Гуноҳкор, осийлар унга мустаҳиқ.
Заққум дарахтининг меваси “сийлов”,
Ортидан – қайноқ сув, ўзга ютум йўқ.

Ўқидим, юрагим ёрилди тамом,
Мен кимман, гуноҳга ботган бир осий.
Аллоҳим, кечмасанг, куйдим батамом,
Раҳимсан, афвингга кўргин муносиб.

Эзгу амалларим не тонг кам бўлди,
Нафсимга эрк бериб яшадим доим.
Қилмишларим ўйлаб, бошим ҳам бўлди,
Ўзингга ёлвордим, раҳм эт, Худойим!

Яхшибой ШАРИПОВ,
Нурота тумани



Китоб ўқисанг

Элингга, Ватанга хизмат қилурсан,
Ўзингга яраша савоб олурсан,
Сўзлаган сўзингга маъно берурсан,
Илм ўрганиб, эй дўст, китоб ўқисанг.

Ҳалол-ҳаромларнинг фарқин билурсан,
Камбағал, қашшоққа ёрдам қилурсан,
Ёлғонмас, доимо тўғрисин дерсан,
Илм ўрганиб, эй дўст, китоб ўқисанг.

Аллоҳнинг амрини яхши билурсан,
Инсонлар ичида доно бўлурсан,
Ишингда, сўзингда олға борурсан,
Илм ўрганиб, эй дўст, китоб ўқисанг.

Яхши хислатларинг Аллоҳга ёқар,
Ким кўрса, ҳавас-ла термилар, боқар,
Аё Рустам, кунда ҳикматлар уқар,
Илм ўрганиб, эй дўст, китоб ўқисанг.

Рустам ХЎЖАҚУЛОВ,
Нуробод шаҳри

Фаровонлик истасак...

Ҳеч қачон бўлган эмас ҳаёт йўли текис, равон,
Юради тўхтамасдан, қоқинса-да ҳар карвон,
Ҳеч кимса юра олмас оқимга қарши томон,
Зиддиятлар кўп бўлур, юракда қолур армон,
Фаровонлик истасак, ҳадисда бордир дармон.

Одамлар яшамоқда бу йўлда фароғатда,
Курашиб, меҳнат қилиб, ғурурли, шижоатда,
Хатолик дилни бузгай, қолурлар маломатда,
Икки банда тўқнашиб, қолурлар қабоҳатда,
Фаровонлик истасак, ҳадисда бордир дармон.

Биродарлар ўртасида чиқиб қолса адоват,
Ўртани ислоҳ қилиш – энг хайрли саодат,
Адоват хавфи бўлса, ислоҳ қилиш матонат,
Бу Аллоҳнинг амридир, бефарқликка йўқ тоқат,
Фаровонлик истасак, ҳадисда бордир дармон.

Зардобдир юрак доғи, гина қолур урушдан,
Азоб беради жонга, безор бўлиб турмушдан,
Ўзини ўзи ейди, ҳаловат йўқ юришдан,
Эй тингловчи, фикр қил, яхшилик топ ҳар ишдан,
Фаровонлик истасак, ҳадисда бордир дармон.

Аҳмаджон МАМАСАЙДОВ,
Учкўприк тумани

Қалам ва қоғоз

Оламда ҳар нарса Аллоҳнинг мулки,
Тарихни варақла, фикр айла бироз.
Олдиндан яралган нарсалар неки –
Мен дейман, қадимдир қалам ва қоғоз.

Қоғозга беҳуда чалпима сиёҳ,
Хўрлама қоғозни, раҳм айла бироз.
Ҳарф ҳам ғойибидан, қилма иштибоҳ,
Мен дейман, қадимдир қалам ва қоғоз.

Шоирнинг қўлида мевали дарахт,
Гўё олча каби гуллайди қийғос...
Ҳар бир битигингни ўйлаб ёз ва айт,
Мен дейман, қадимдир қалам ва қоғоз.

Тарихчи қўлида маёқдир қалам,
Ёзиб қолдиради, ким эгик, ким ғоз...
Қачонлар етмишидир қанчалар ситам...
Мен дейман, қадимдир қалам ва қоғоз.

Ифвогар қўлига тушганда қалам,
Тақдирлар ёниши мумкиндир ноҳос.
Унда гоҳ қайғу, гоҳ шодлик мужассам,
Мен дейман, қадимдир қалам ва қоғоз.

Номаи аъмолинг ёзилар ҳар кун,
Икки котиб малак тинмайди бироз...
Яратган лутф қилсин хайрли якун,
Мен дейман, қадимдир қалам ва қоғоз.

Мурсалим ОБИДОВ,
Касби тумани

Тўртликлар

Деманг, дунё ғурбатлардан иборат,
Фисқу фужур, ғийбатлардан иборат.
Ўзлигини англаб етган инсонга
Дунё дилкаш суҳбатлардан иборат.

Ёлғизлик фақат Яратганга ярашар,
Ҳаётда ҳамроҳинг, дўстинг билан юр.
Ҳамроҳнинг кимлиги кўп муҳим, билсанг,
Ўзингдан бир сифат устун билан юр...

Дунёни англаймиз ёш ўтган сайин,
Борар манзилимиз ясатиқ тайин.
Навбат қачон келишин билсайдик агар,
Инсоф-ла ушлардик тарози шайин.

Одамлар ажралган яхши-ёмонга,
Ёмонлар мослашган ёлғон замонга.
Бунда яхшилар рост дунё ахтариб,
Билишмас боришин қайси томонга.

Тўрт томон ноҳақлик дегандан кўра,
Ўзинг тўғримисан, қалбингдан сўра.
Нафс ғолиб жойларда қачон ҳақ бўлган,
Иймонинг бут бўлса, ҳақ шу-да, жўра.

Ҳаётда тўғри бўл, ҳамиша, ҳар он,
Вужудингда оқиб турсин тоза қон.
Дилингда Ҳақ бўлсин, тилингда иймон,
Шунда нажот топар бу омонат жон.

Исматулла МАМАНОВ,
Тошкент шаҳри

Тарихи Муҳаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

БАДР ҒАЗОТИ

Сўнгра Расулulloҳ Бадрдаги сув қудуқларини душмандин илгарироқ эгаллаш учун илдамлаб йўлга тушдилар. Айтганларидек, Қурайшдан илгарироқ манзилга етиб, Мадина томонидаги боришдаги биринчи қудуқ бошига тушдилар. Анда Ансор саҳобаларидин Ҳубоб ибн Мунзир деган киши:

– Ё Расулulloҳ, бу жойга агар сизни Аллоҳ туширган бўлса, бу ердан илгарикейин кетмагимиз йўқдур. Агар бу жойга ўз фикрингизча тушган бўлиб, урушда ҳийла керак десангиз, бу ўрин бизга қулай эмас, – дедилар. Анда Пайғамбаримиз:

– Бу ҳақда менга Аллоҳдин ваҳий келмади, ўз хоҳишимча бу жойга тушдим. Уруш демак, макр-ҳийла билан бўлур. Агар биз учун бирор фойдали иш топган бўлсанг, қани, сўзла, уни қабул қилурмиз, – дедилар. Анда Ҳубоб ибн Мунзир:

– Андоқ эрса, Макка томонидаги энг олдинги биринчи қудуққа эга бўлмоғимиз керакдур. Мен билурман, ё Расулulloҳ, бу жойдаги борлик қудуқлардан унинг суви мўлдур. У қудуқнинг ёнидан кўл қазиб, уни сув билан тўлдириб олайлик. Қолмиш қудуқларнинг барига тош-тупроқлар ташлаб, сувларини қуритайлик, душманларимиз келса, сувсиз қолсунлар, – деди.

Расулulloҳ бу кенгашни тўғри топиб, бу қудуқ айланасида аскарга ўрин олдилар. Бошқа қудуқларнинг барини кўмдириб, ўз қудуқлари олдида бир кўл қазиб, сувга тўлдирдилар. Бу ўринга душман келиб етмасдин илгарироқ бу ишлар бажарилган эди. Анда мадиналик ансор саҳобалар раиси Саъд ибн Муъоз:

– Ё Расулalloҳ, сиз учун бу тепа устида соялик бир ўрин қилайлик, бизнинг ишларимизни текшириб, сиз унда ўлтиринг.

Югурук туялардин бир нечасини олдингизга келтириб қўяйлик, сўнгра биз душманларимиз билан савашайлик. Тангри бизга ёрдам бериб ғанимларимизни енгар бўлсак, кутган тилагимизни топган бўлурмиз. Агар бундоқ бўлмай, иш бошқага айланса, тайёр турган туяга миниб, ўзингизни Мадинага еткуринг. Анда қолдирмиш ёр-йўлдошларингиз сизни жонлари ила сақлағайлар. Олдингизда сиз учун мол-жонларини қурбон қилғайлар. Бу ишда уларнинг биздан ҳеч камчиликлари йўқдур, – деди. Расулulloҳ унинг бу сўзига раҳмат айтиб:

– Эй Саъд! Иш ўзгармас, иншоаллоҳ, биз душманларимизни енгамиз, – дедилар.

Шунинг билан уруш майдони устида қараб тургудек бир эгиз тепа устига хурмо ёғочи шохларидан соябон ясадилар. Расулulloҳ ул жойга чиқиб ўлтирдилар.

Шу орада Қурайш қўшинлари ҳам етишиб келди. Расулulloҳ кўрдиларким, аларнинг уруш асбоблари тугал, отарғумоқлари мукамал. Байроқлар кўтаришган ҳолда ғурурлик ва такаббурлик билан келишар эдилар. Ўз ёронлари, мўминларга қарасалар, буларда ҳар томондан етишмаслик кўп кўринди. Сонлари уч юздан ортиқ бўла туриб, борлиқ кўлуклари етмиш туя, икки отдан бошқа йўқ эди. Бун кўриб, Расулulloҳнинг кўнгиллари маъюс бўлди. Сўнгра Қурайш аскарларига қараб туриб, Худога муножот қилдилар:

– Эй Бори Худоё, бутун дунё халқига мени ҳақ пайғамбар қилиб юбординг, ҳақ йўлни аларга ўргатгил деб, қўлимга Қуръондек улуғ китоб бердинг. Энди булар ўзингга қаршилиқ кўрсатиб, пайғамбарингни ёлғончи қилдилар. Ўзинг туширган Қуръони каримга ишонмадилар, қонимизга ташна бўлиб, қаршимизга келдилар. Эй Бори Худоё, бу урушда бизларга зафар бериб, душманларимизни ҳалок қилгил, чунки урушда сабр этган мўмин қулларингга, “Ёрдам берурман”, деб Ўзинг

ваъда қилдинг. Сенинг бу ваъданг албатта ҳақдур, – деб дуо қилдилар.

Шу орада Қурайш қўшини иккига бўлиниб, ўз ичларидан ола чиқди. Аскар раисларидан Утба ибн Рабиъа деган киши халқни бу урушдан қайтарғали турди. Ул айтур эдиким:

– Бу урушда Муҳаммадни енгар бўлсак ҳам, яна бу урушдан биз учун фойда чиқмайдур. Чунки унинг ёру йўлдошлари энг оз деганда, ўз баробарларича киши ўлдирмай қолмаслар. Агар бу урушда Қурайшдан шу қадар одам ўлдирилур бўлса, қолганларимизга бу тирикликдан нима лаззат бўлур? Яна урушнинг охири қандоқ чиқиши бизга маълум эмасдур. Муҳаммад аскарининг бир қисми ўз қабиламиз бўлганликдан бу уруш ўз қонимизга ўзимиз қасд қилиш демакдур. Муҳаммад билан бизнинг орамизда қон-мол чиқимларимиз бўлса, барини ўз устимга олдим, қонга хун тўларман, молига товон берурман, энди бу урушни қўяйлик, Муҳаммадни бошқа қабила араблари билан қолдириб, ўзимиз эсонлик билан қайтайлик. Ул бошқаларни енгсин ёки улардин енгилсин. Биз учун бу иш фойдали бўлиб чиқар, – деди.

Бу сўзлар аскарлар ичида тарқалиб, Абу Жаҳлга етди. У эрса бутун қўшиннинг бош қўмондони эди. Бу сўзнинг тўғрилигига қонган бўлса ҳам, кўнглидаги сақлаган гина-адоватининг қаттиқлигидан бу маслаҳатни қабул қилмади. Қайта ул кишини қўрқоқлик билан айблади. Ва ҳам бундин илгарироқ карвон хабарини билиш учун Расулulloҳ саҳобалардин саккиз кишини, Абдуллоҳ ибн Жаҳшни бош қилиб юборган эдилар. Нахла деган жойга келганларида кичикроқ карвонга учрашиб, карвон бошлиғи Амр ибн Ҳазрабий деган кишини ўлдирдилар. Бутун карвон молини икки киши билан олиб, Мадинага қайтдилар. Бунинг воқеаси олдинроқда ўтди. Ўлдирилган Амр ибн Ҳазрабийнинг акаси Омир ибн Ҳазрабий укасининг қасосини оламан деб Қурайш қўшини билан бирга чиққан эди. Абу Жаҳл унга дарҳол киши юбориб, олдириб келиб:

– Кўрдингми Утбани? Укангни ўлдирган Муҳаммад билан урушмаймиз деб аскарни урушдан қайтармоқчи бўлади. Энди сен бутун аскар йиғилиб турган чоғда ўрнингдан туриб, ўлган укангни қаттиқ талаб қилиб, ўч олишга аскарни қўзғағил, – деди. Сўнгра у аскар ўртасига келиб орқасини (белдан пастини) очди¹, араб одатича бошига тупроқ сочиб “Во Амро! Во Амро!” деб қаттиқ қичқириб йиғлагани турди. Бунини кўриб ўз қабиласи ва қариндош-уруғлари ҳам йиғладилар. Бутун аскар “Ўч оламиз!” деб қичқиришдилар. Шунинг билан икки орадаги сўзлар тўхталиб, уруш бошланмоқчи бўлди. Ҳар икки томондаги аскарлар ўз сафларини туздилар.

Сарвари олам айтдилар:

– Икки ўринда сафни тўғри тутмоқни Аллоҳ суядур. Бири – намози жамоатда, иккинчиси – сўқиш майдонида². Расулulloҳ ҳам қўлларидаги таёқчалари билан ишорат қилиб, илгари-кейин турган кишиларнинг сафларини тўғриламоқда эдилар. Шу орада аскар саҳобалардан Савод ибн Ғазийя номли бир киши сафдан ташқари чиқиб кетди. Унга ишорат қилсалар, ўзини ўнглай олмади. Сўнгра Пайғамбаримиз тутиб турган таёқчалари билан ул кишини “Сафда тўғри тур”, деб биқинига қаттиқроқ нуқиб қўйдилар. Ул киши айтди:

– Ё Расулаллоҳ, сизни Аллоҳ таоло халқ ичига ҳақли, адолатли ҳукм қилишга юборгандур. Менинг биқинимга туртиб, оғритдингиз. Шунинг учун қасос қайтаришингизни талаб қиламан, – деди. Анда Расулulloҳ қорниларини очиб, қасос олмоққа рухсат қилдилар. Бунини кўриб у саҳоба муборак қоринларига юз-кўзларини суртиб ўпди.

– Нега бундоқ қилурсан? – деб Расулulloҳ андин сўрадилар. Ул киши:

– Ё Расулаллоҳ, кўриб турасиз, барчамиз ўлим олдида, ажал сафида турармиз. Агар бу урушда ўлиб кетар бўлсам, охир чоғимда муборак жасадингизга бирор жойимни суртган бўлурман. Бу эса Аллоҳ олдида менинг учун улуғ шарафдур, – деди³.

“Ҳасоиси суғро” деган китобда келтирубдур: “Расулulloҳнинг муборак жасадларига жонли-жонсиз нима нарсаси теккан

бўлса, ул нарсани Аллоҳ таоло дўзах ўтига ҳаром қилгай”.

Шундоқ бўлиб, ҳар икки тараф аскарлари саф боғладилар. Баҳодирлар майдонга кўз тикдилар. Шу чоғда яна Пайғамбаримиз аскар устига келиб, уруш бошланиши олдида иккинчи ваъз сўзладиларким, мазмуни бу эди:

“Эй мўминлар! Аллоҳ таоло сизларга нусрат берурман, деб Ўзи ваъда қилди. Аллоҳ ваъдасининг ҳақлигига ҳеч шак йўқдур. Ғанимлар устидан ғалаба қозонмоқ учун уруш майдонида чидамлилики керакдур. Ғанимлар қаршисида баҳодирлик билан сабот қилгувчи мўминларни Аллоҳ дўст тутгай. Фаришталар аларнинг ёрдамида бўлгайлар. Бундоқ ўринда сабр қилиб шижоат кўрсатувчиларни Аллоҳ таоло доимий давлатга етказгай, келгувчи кунларнинг қайғу-ҳасратларидан кўнгилларини қутқазгай”.

Бу сўзга чуқур фикр қилинг. Пайғамбаримиз айтган бу ваъзларида умматларининг доимий давлатга етмакликлари, дунё турмушида ғаму қайғудан озод бўлмоқлари учун биринчи даражада душман устидан ғалаба қозонмоқ кераклигини очиқ кўрсатдилар. Чунки мағлубиятга учраб, душманларидан енгилган миллатлар доимий қайғу-ҳасратда қолиб, хору зорлик бирла яшамоққа мажбурдир. Ҳар бир кимсага маълумдурки, ҳаётда инсоннинг энг севган, қадрли ва қимматли тўрт нарса-си бордур. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўларлар.

Алихонтўра СОҒУНИЙнинг
“Тарихи Муҳаммадий” асаридан

Давоми бор...

¹ Жоҳилия замонидаги “Назирул-урён” одатига кўра оғир хабарга диққатни шундай шаклда жалб қилинар экан.

² Ибн Касир. Тафсир (Имом Аҳмаддан бироз фарқли ривоят қилинган).

³ Воқидий. Мағозий, 1/57.

Ибн Жавзий раҳимаҳуллоҳ ўзининг “Уйунул ҳикоёт” номли китобида келтиради: «Саҳрода яшайдиган бир кишининг эшаги, ити ва хўрози бор эди. Хўроз эрталаб уларни намозга уйғотар, ит уларни қўриқлар, эшак эса юкларини ташир эди.

Ҳар ишда хайр бор

Бир куни тулки келиб хўрозни еб қўйди. Ҳамма хафа бўлди. Хўжайин солиҳ инсон эди. Бунда бир яхшилик бўлса керак, деб қўйди.

Бир қанча вақт ўтиб, бўри келиб эшакни ўлдириб қўйди. Бунга ҳам ниҳоятда қаттиқ хафа бўлишди. Солиҳ киши бунда ҳам бир хайр бордир, деб қўйди.

Бироз вақт ўтиб ит ҳам ўлиб қолди. Хўжайин бунда ҳам бирор яхшилик бордир, деди.

Бир куни эрталаб уйғонишса, ўғрилар атрофдаги ҳамма қўшнилари ўлдириб, молини олиб буларга тегишмаганини кўришди. Ўғрилар ўлдирилган кишиларни итлари, эшаклари ёки бошқа ҳайвонларининг овозидан топиб келиб, молларини талаб кетишган эди. Хўжайиннинг “бунда бир яхшилик бордир” дегани тўғри чиқди.

* * *

Биз инсонларнинг назаримиз чекланган, қарашларимиз чегаралидир. Мушкулотимиз шунда. Воқеанинг озгина қисмини кўра оламиз. Аммо Аллоҳ таоло ҳамма нарсани кўриб, билиб ҳикмати билан ҳукм қилади.

Бизга ёқмайдиган ишлар воқе бўлганида, уларнинг ҳикматини билмаймиз. Аммо бироз вақтдан сўнг Аллоҳнинг ихтиёри бизнинг ихтиёримиздан биз учун фойдалироқ бўлганини англаймиз.

Қачонлардир бир мансабдан маҳрум бўлганмиз. Ризқимиз шунда деб ўйлаганмиз. Ожиз инсонмиз-да. Берк турганини билмасдан, ризқимиз шу эшикда деб ўйлаймиз. Барча ризқ эшиклари Раззоқнинг қўлида эканини унутамиз. Бироз вақт ўтиб Раззоқнинг саховатидан хижолат бўлиб қоламиз. Шундай экан, ҳар ишда бир хайр борлигини эсдан чиқармайлик.

Абдулқодир ПОЛВОНОВ

Qarg'aning nasibasi

Kuz kunlarining birida onam tandirga non yopa boshladi. Men esa kulchaning pishishini kutib, tandir atrofida uymalashardim. Shu choq yong'oq daraxtidan ikki dona mevasi yonimga kelib tushdi. Qarg'aning "qar-qar" deganini eshitdim. Menimcha, u cho'qib uzgan yong'oqlar unga nasib etmagan edi.

– Mana yong'oqlaring, ol!
– deb osmonga qaraganimda qarg'aning allaqachon olishlarga uchib ketganini ko'rdim. Nima qilishni bilmay qoldim, qo'limda qarg'aning yemishi turardi. "Qaytib kelarmikin?" deya bir onamga, bir osmonga qaradim.

Qizara boshlagan nonlarga suv sepayotgan onam qo'z qiri bilan qaradi-da: .

– Sen g'am yema, qarg'ani yaratgan Egam uning rizqini ham beradi. Chunki Qur'oni karimda:

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا
عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا

"Yerda o'rmalovchi biror narsa (jonot) yo'qki, uning rizqi (ta'minoti) Allohning zimmasida bo'lmasa!" deyilgan. Yong'oqni o'zing yeyaver, bolam! – dedi.

– Yo'q, oyijon! U ertaga ertalab yana qaytib keladi, – dedim bilag'onlik qilib. Onam hech narsa demasdan jilmaydi.

Yong'oqlarni cho'ntagimga solib qo'ydim. Ertasiga barvaqt turib, qarg'ani kuta boshladim. Qushdan darak bo'lmadi. Xullas, uni har kuni kutadigan bo'ldim.

Shu-shu qarg'a uyimizning atrofida qaytib uchib o'tmadi. Yong'oqni hech kimga ishonmasdim. Oradan bir necha kun o'tdi. Hatto xastalanib qoldim. Meni ko'rgan onam:

– Yong'oqni erta bahor ekib qo'ysang, daraxt unib-o'sadi. Mevaga kirgach, sen kutayotgan qarg'a ham yong'oq daraxtiga uchib keladi! Bu ishing bilan katta savobga ham ega bo'lasan. Chunki Payg'ambarimiz alayhissalom: **"Agar qiyomat bo'lib qolsa va birontangizning qo'lida xurmo daraxti bo'lsa, bas, uni ekib olsin"** (Imom Buxoriy rivoyati), deya nasihat qilganlar.

Erta bahorda ona-bola yong'oqlarni ekdik. Har kuni tongda unib chiqqan yosh niholchalarni sug'orishni odat qildim. Vaqti yetib, darvozamiz oldida ikkita yong'oq daraxti ko'kka bo'y cho'zdi.

Yillarni quvib, yillar o'tdi. Men ham biroz ulg'aydim. Ikki dona yong'oq voqeasi ham unutildi. Bir kuni tushlik qilayotganimda qarg'alarning "qar-qar" degan ovozi eshitib qoldim. Qarasam, yong'oqning shoxida bir gala qarg'alar. Juda ham quvonib, Allohning qudratiga hamdlar aytdim...

Fazliddin ABDUNAZAROV



Фижилик мусулмонлар

Фижи Суверен Демократик Республикаси – Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида, Фижи оролларида жойлашган давлат. Майдони 18,4 минг км². Аҳолиси бир миллион атрофида. Пойтахти – Сува шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинади.

Мазкур мамлакатга мусулмонлар 1879 йилдан кириб кела бошлаган. Айтилган Фижи минтақадаги энг катта мусулмон жамиятига эга бўлиб, бу жамоа аъзолари ҳатто Австралия ва Янги Зеландия мусулмонларидан ҳам кўп. Мамлакатда масжид ва мадрасалар талайгина. Кўплаб ороллардан ташкил топган ўлканинг 6,3 фоиз аҳолиси мусулмонлардир.

Бу юртга дастлаб ҳиндистонлик мусулмонлар ёлланма ишчи сифатида кела бошлаган. Бу жараён 1916 йилгача давом этган.

1884 йилдан бошлаб мамлакатнинг турли ҳудудларида мусулмонлар кўпайган. Қийинчиликларга қарамай, мусулмонлар ўз динларига содиқ қолишади. Бу жараёнда улар ҳамжиҳатликда ҳаракат қиладилар.

1894 йилда Навуа мусулмонлари Қурбон ҳайитини муносиб нишонлашди. 1902 йилда Лабасда масжид қурилди. 1909 йилда мусулмонлар маориф комиссиясига болаларига араб ёзувига асосланган ҳолда урду тилида дарс берилиши ҳақида

талаб қўйишди. Бу ҳолат мамлакатда Ислонинг ўзини намоён этишининг муҳим босқичларидан бири эди. Ҳозирги кунда мактабларда урду тили ўқитилади.

1926 йилда Фижи мусулмонлар лигаси (FML) ташкил этилди. FMLнинг Таъсис қурултойи мамлакат пойтахти Сува шаҳрида бўлиб ўтди. Ташкилотнинг биринчи президенти уддабурон тадбиркор Абдул-Азиз Хон эди. FMLнинг энг муҳим вазифаларидан бири мусулмонларнинг таълим сифатини ошириш эди.

Бугунги кунда ташкилот тасарруфида 26 та филиал, 17 та бошланғич, 5 та ўрта мактаб, шу билан бирга, минтақадаги бошқа мамлакатлар, хусусан, Тонга ва Ғарбий Самоа мусулмон жамоалари вакиллари иштирок этадиган олий ўқув юрти (*Тинч океан ислом институти*) бор.

Фижи мусулмонлари бутун Тинч океани минтақасида Ислонинг таянчи ҳисобланади. Баъзи маҳаллий фижиликлар ҳам FMLнинг Ислонга чақириғига жавоб беришди ва мусулмонлар сафидан жой олишди. Умуман, айтиш мумкинки, Фижи Республикасидаги мусулмонлар бирдамликни сақлаб, замоннинг синовларидан муваффақиятли ўтиб келишмоқда.

Дамин ЖУМАҚУЛ
тайёрлади.